БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 38 (19.709). • 1987 йил 14 февраль, шанба • Баҳоси 3 тийин.

ЯГОНА СИЁСИЙ КУН

ДАВЛАТНИНГ КУЧ-ҚУДРАТИ — СССР ХАЛҚЛАРИНИНГ ДЎСТЛИГИДАДИР

Совет жамиятини революцион қайта қуриш ва янгилашнинг авж олиб кетган жараёни миллий муносабатларни такомиллаштиришни ўз ичига олади. Ленинча миллий сиёсатни собитқадамлик билан рўёбга чиқариш КПСС XXVII съездида ишлаб чиқилган мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш программасини, КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленуми қарорларини амалга оширишнинг энг муҳим шарти эди ва шундай бўлиб қолади.

Республикада 13 февраль куни бўлган Ягона сиёсий кунда ҳам шу ҳақда таъкидланди. Ягона сиёсий кун «Социалистик давлатимизнинг куч-қудрати — СССР халқларининг дўстлигидадир» деган мавзуга бағишланди. Саноат корхоналари, қурилишлар, колхоз ва совхозларда, илмий муассасалар ва ўқув юртларида, истиқомат жойларида сўзга чиққан докладчилар мамлакатимиз етмиш йил ичида босиб ўтган йўл ўтмишдан мерос бўлиб қолган миллий масала Совет Иттифоқида муваффақиятли ҳал этилганлигидан яққол далолат бериб турганлигини таъкидлашди. Тенг ҳуқуқлиликка асосланган кўп миллатли давлатда кишиларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи қарор топди.

(Давоми иккинчи бетда).

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси 12 февраль куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида мамлакат халқ хўжалигининг 1987 йил январь ойидаги иш якунларини кўриб чиқди. Ёқилғи-энергетика комплекси, бошқа бир қанча тармоқлар ва саноат ишлаб чиқаришлари план топшириқларига мувофиқ равишда муваффақиятли ривожлантириб борилганлиги қайд этиб ўтилди. Қишлоқ хўжалигида ўтган йилнинг январига нисбатан сут ва гўшт кўпроқ харид қилинди. Бироқ умуман саноат январь ойи планини бажармади. Саноат маҳсулотлари кўпгина турларини натура ҳолида ишлаб чиқариш юзасидан пландаги даражага эришилмади. Капитал қурилиш ҳажмлари камайди.

Муҳокама чоғида таъкидлаб ўтилганидек, планнинг бажарилмаслигига аввало ташкилотчилик ва хўжалик ишидаги нуқсонлар, мамлакат бир қанча тармоқлари ва регионлари бирлашмалар ва корхоналарнинг хўжалик фаолиятидаги оширилган талабларга қониқарсиз тайёргарлик кўрганликлари, шунингдек қаҳратон қиш шароитида темир йўл транспортидаги, қурилишдаги ва экономиканинг бошқа соҳаларидаги қийинчиликлар сабаб бўлди.

Сиёсий бюро партия, совет ва хўжалик органларидан бой берилган нарсаларнинг ўрнини қоплаш учун узил-кесил чоралар кўришни ҳамда жуда қисқа муддат ичида йиллик план маромига тушиб олишни талаб қилди. Шу мақсадда январь ойидаги ишни синчиклаб таҳлил этиш асосида моддий ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, социал соҳада ҳам аҳволни ўнглаб олиш учун барча зарур ишларни қилиш керак. Ҳар бир меҳнат коллективида қолоқликни бартараф этиш, план топшириқларини сўзсиз бажариш йўлида конкрет чораларни кўриш лозим.

Сиёсий бюро шуни таъкидладики, Марказий Комитетнинг 1987 йил январь Пленуми қарорлари асосида корхоналар, тармоқлар, республикаларнинг, областлар ва ўлкаларнинг иқтисодий ҳамда социал ривожлантириш планлари бажарилиши учун, ишлаб чиқариш, меҳнат ва одамларга хизмат кўрсатиш аниқ-пухта ташкил этилиши таъминланиши учун барча кадрларга нисбатан талабчанлик қатъиян кучайтирилиши керак. Сиёсий бюро коммунистлар, барча совет кишилари жуда қисқа муддатлар ичида 1987 йилги план марраларига чиқиб олиш учун ўзларининг бутун иродаси ва ғайрат-шижоатини сафарбар этадилар, мавжуд резервларни ишга соладилар, деб ишонч билдирди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПСнинг саноат ва халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг бирлашмалари, корхоналари ҳамда ташкилотларининг кўп сменали иш режимига ўтиши тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Бу ишни 1987—1988 йилларда амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Ҳоли бўладиган ишлаб чиқариш майдонларидан цехлар ва участкаларни техника билан қайта жиҳозлаш, маҳсулотларнинг энг муҳим турларини, аввало халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, меҳнат коллективларининг социал масалаларини ҳал этиш учун фойдаланиш, янги саноат объектлари барпо этишда тежалган маблағларни эса уй-жойлар қурилишига, ходимларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга сарфлаш назарда тутилмоқда. Кўп сменали иш режимига ўтилиши муносабатн билан маиший хизмат соҳаси ҳамда социал-маданий тармоқлар ташкилотлари ва муассасаларининг ишини қайта қуришни жадаллаштириш мўлжалланмоқда. Сиёсий бюро мана шу социал масалалар ҳал этилиши билан айни бир вақтда кўп сменали иш режимига ўтилиши лозимлигини таъкидлади.

Кечки ва тунги сменаларда ишловчи ишчиларнинг, мастерлар ҳамда бошқа мутахассисларнинг манфаатдорлигини ошириш мақсадида улар учун бир қанча қўшимча маънавий ва моддий омиллар, имтиёз ва афзалликлар жорий этилади. Мазкур тадбирлар амалга оширилиши муносабати билан партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол органларининг диққат-эътибори кўп сменали режимга ўтиш билан боғлиқ барча масалалар яна ҳам чуқурроқ кўриб чиқилиши, меҳнат коллективларида ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга нисбатан талабчанликни янада ошириш зарурлигига қаратилди.

Сиёсий бюро ўртоқ А. А. Громиконинг СССР Олий Советининг 1986 йилги фаолияти якунлари тўғрисидаги ахборотини тинглаб, ҳокимият олий ваколатли органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, СССР Олий Совети палаталари комиссияларининг ҳамда депутатларининг ишларини активлаштириш, ижтимоий турмушни демократлаштиришга, ошкоралиги кенгайтиришга, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашга, давлат ва жамоат ҳаётининг барча масалаларини ҳал этишда меҳнаткашларнинг фаол иштирок этишларини таъминлашга қаратилган қонун актларини тайёрлаш ва қабул қилиш муҳим эканлигини таъкидлади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Грузия ССРга табиий офатларнинг оқибатларини тугатишда ёрдам бериш чоралари тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Сиёсий бюро халқ депутатлари маҳаллий Советларига ўтказиладиган навбатдаги сайловга, район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьялари ва халқ маслаҳатчиларини сайлашга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиб, бўлажак сайлов кампанияси маҳаллий Совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ишини яхшилашда, социалистик демократиянни янада ривожлантиришда, социал-иқтисодий тараққиётни ривожлантириш, 1987 йилги ва умуман беш йиллик планларини муваффақиятли бажариш учун курашда совет кишиларининг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини кучайтиришда муҳим роль ўйнаши лозимлигини таъкидлади. КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленумининг қарорларига мувофиқ сайлов практикасига баъзи ўзгартишларни киритиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Сиёсий бюро ўртоқ М. С. Горбачевнинг Яман Социалистик партияси Марказий Комитети Бош секретари А. С. ал-Байд билан учрашувининг ҳамда совет раҳбарларининг Яман Халқ Демократик Республикаси партия-ҳукумат делегацияси билан олиб борган музокараларининг якунларини маъқуллади. Икки томонлама муносабатларга, Яқин Шарқ ва халқаро вазиятга оид масалалар юзасидан позицияларнинг бир-бирига мос келганлиги мамнуният билан қайд этиб ўтилди. Жанубий Яман раҳбарларининг ЯХДРда прогрессив режимни кучайтириш ҳамда унинг халқаро позицияларини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолияти билан КПССнинг бирдам эканлиги таъкидланди. Тегишли министрликлар ва идораларга демократик Яман билан партия ва давлат йўли орқали ҳамкорлик янада ривожлантирилишини кўзда тутувчи топшириқлар берилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида Ўртоқ Э. А. Шеварднадзенинг ГДР ва ЧССРга қилган визити якунлари тўғрисидаги ахбороти тингланди, шунингдек ички ва ташқи сиёсатга оид бошқа баъзи масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БЮРОСИ «ОРҚАДА ҚОЛАЁТГАН ШАҲАРЛАР, РАЙОНЛАР, КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ХЎЖАЛИКЛАР РАҲБАРЛАРИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН СУҲБАТЛАРНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА» МАРКАЗИЙ КОМИТЕТ ПАРТИЯВИЙ-ТАШКИЛИЙ ИШЛАР БЎЛИМИНИНГ ХАТИНИ КЎРИБ ЧИҚДИ.

КПСС XXVII съезди қарорларини амалий равишда рўёбга чиқариш асосида республика халқ хўжалигида 1986 йилда баъзи ижобий силжишлар бошланганлиги қайд этилди. Саноатда ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши салкам 6 процентни ташкил этиб, план топшириқларидан ошиб кетди. Чорвачилик маҳсулотларини харид қилиш кўпайди. Умумиттифоқ фондига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўпроқ етказиб берилди. Бошқа тармоқлар янада ривож топди.

Шу билан бирга қайта қуриш ва жадаллаштириш соҳасидаги иш ҳамма жойда ҳам замон руҳига мувофиқ эмаслигини йил якунлари кўрсатиб турибди. Кўпгина партия комитетлари, совет, хўжалик органлари экономикада ва социал соҳада чуқур сифат ўзгаришлари қилиш учун съезддан кейин очилган қулай имкониятлардан дуруст фойдаланмадилар. Раҳбарлик қилиш ва хўжалик юритишнинг янги усуллари унчалик активлик билан ўзлаштирилмади ва пировард натижаларга зарур даражада таъсир ўтказмади.

Меҳнат коллективларининг анчагина қисми чўзилиб кетган турғунлик ҳолатларини узоқ вақтдан бўён бартараф эта олмаётганлиги учун кўп жиҳатдан мана шулар сабаб бўлаётганлиги уқтириб ўтилди. Ўтган йили 120 та район ва шаҳардаги етакчи тармоқлар планни уддалай олмадилар. Ҳар уч корхонанинг бири маҳсулот етказиб бериш топширигини бажармади. Хўжаликларнинг 60 процентга яқини пахта, ярмиси дон, гўшт, учдан бири сут тайёрлаш планини бажаришда орқада қолди. 570 та қурилиш, 173 та транспорт ташкилоти йиллик программани бажармади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзолари ва аъзоликка кандидатлар, бўлим мудирлари, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари энг кўп орқада қолишга йўл қўйган шаҳар ва районларнинг, корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларнинг раҳбарлари билан шу йил январида ўтказган суҳбатларда планларни бажаришда йўл қўйилган нуқсонларнинг сабаблари, мавжуд камчиликларни тугатиш йўллари, ходимларнинг вужудга келган аҳволни тузатиб олиш ва қайта қуришни амалда таъминлаш қобилияти батафсил кўриб чиқилди. 87 та шаҳар, район партия комитетининг биринчи секретарлари, 76 та шаҳар, район ижроия комитетининг раислари, саноат, қурилиш, транспорт корхоналари, колхоз ва совхозларнинг 287 раҳбари ва бошлангич партия ташкилотлари секретарлари билан суҳбатлар ўтказилди.

Иқтисодий ва социал тараққиёт планларини бажаришдаги камчилик ва нуқсонларнинг асосий сабаблари аввало шаҳар ва район партия комитетлари, бошлангич партия ташкилотлари, маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг ташкилотчилик ва сиёсий иши заифлигида эканлигини суҳбатларнинг якунлари кўрсатди. Партия XXVII съезднинг талабларига мувофиқ раҳбарлик услуби ва методларини такомиллаштириш суст олиб борилмоқда, Қайта қуриш ўрнига аслида умумий даъватлар ва деклоратив кўрсатмалар берилмоқда. Хўжалик раҳбарларининг фаолияти барча мавжуд резервлар ва имкониятларни қидириб топиб, ишга солишга, улардан энг кўп самара берадиган тарзда фойдаланишга қаратилмаган. Кўпгина ходимлар давлат, план интизомига қаттиқ риоя этилиши учун ўз масъулиятини англамаяптилар. Уларнинг ишида сусткашлик ва бегамлик, эски ёндашувларнинг яшовчилиги иқтисодий фикрлашнинг сийқаси чиқан эски усулларига ихлосмандлик, ўртача кўрсаткичлар билан қаноатланиш одати бартараф қилинмаяпти.

Суҳбат ўтказилган аксарият шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи секретарлари ҳали раҳбарликнинг сиёсий усулларини етарли равишда эгаллаб олмаганликлари, ишда кенг демократизм ва ошкораликкa интилмаётганликлари, ҳар бир бошланғич партия ташкилотида принципиаллик ва талабчанликни, камчиликларга нисбатан муросасизлик муҳитини, эришилган натижаларни танқидий нуқтаи назардан баҳолашни қарор топтирмаётганликлари қайд этилди.

Масалан, Пайариқ район партия комитети биринчи секретари У. Тамикаевга маъмуриятчилик, буйруқбозлик ва қоғозбозлик иш услуби сингиб кетган. Райкомда мажлисбозликка, турли-туман тадбирларни ўтказа беришга барҳам берилмаган. Ўтган икки йилнинг ўзида бюро мажлисларида фақат асосий масалалар юзасидан 149 та қарор қабул қилинган, уларнинг ижроси устидан контроллик ташкил этилмаган. Район сурункасига уч йилдан бўён кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлаш планини бажармади. И. Зокирёев Когон район партия комитети биринчи секретари лавозимини уч йилдан бери эгаллаб келмоқда, аммо унинг фаолияти натижалари кўринмаяпти. Шовот район партия комитети секретари О. Хайитбоев ташкилотчилик ва идеология ишини қайта қургани йўқ. Навбаҳор район партия комитети биринчи секретари А. Исматов, Термиз район партия комитети биринчи секретари Ж. Абдулҳакимов, Марҳамат район партия комитети биринчи секретари И. Ғ. Алимов партиявий раҳбарликнинг энг муҳим проблемаларини диққат марказидан четда қолдирмоқдалар, кундалик ишлар билангина ўралашиб қолмоқдалар. Нукус район партия комитети биринчи секретари И. Дўсчонов, Каттақўрғон район партия комитети биринчи секретари М. Шодиев, Фориш район партия комитети биринчи секретари С. Есимов, Муборак район партия комитети биринчи секретари С. А. Иброҳимов ва бошқалар омилкор эмасликларини, турғунлик ҳолатидан чиқиш йўлларини, ишга янгича ёндашиш усулларини билмасликларини кўрсатдилар. Партия комитетлари қуйи бўғинлардан ажралиб қолганлар, улар кадрларга нисбатан талабчанликни бўшаштирганлар, резерв тайёрлаш, коммунистларнинг ҳисоботларини тинглаш системаси ишлаб чиқилмаган.

Шаҳар ва район ижроия комитетларининг раислари хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини амалга оширишда кам ташаббускорлик ва кам қатъиятлилик кўрсатаётганликлари таъкидлаб ўтилди. Маҳаллий Советлар проблемаларни ҳал этишга дадил киришмаяптилар, ўзларини хўжайин деб ҳис этмаяптилар ва ўзларига қарашли территорияларни комплекс ривожлантириш учун зиммаларига масъулиятни олмаяптилар. Улар партия билан ҳукуматнинг КПСС XXVII съезди қарорлари асосида социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш учун халқ депутатлари Советларининг ролини янада ошириш ва масъулиятни кучайтириш масалаларига оид қарорида бериб қўйилган ҳуқуқлардан дуруст фойдаланмаяптилар.

Ижрокомларда экономикани юксалтириш, социал ривожланишнинг илмий асосланган программалари йўқ. Бу вазифаларни сийқа усуллар ва қуруқ кўрсатмалар билан ҳал этишга уринмоқдалар, қоғозбозлик иллатидан қутулмаганлар, конкрет иш билан шуғуллана олмаяптилар. Жиззах район ижроия комитети раиси Б. Сойибназаров шу лавозимда икки йил ишлагани ҳолда районнинг ривожланиш истиқболларини, ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки уй билан таъминлаш юзасидан съезд ўртага қўйган вазифаларни ҳал этиш йўлларинигина эмас, ҳатто жорий халқ хўжалик планларини бажариш йўлларини ҳам билмайди. Баҳористон район ижроия комитети раиси А. Абдиев экономика масалаларидан яхши хабардор эмас ва райондаги ишларнинг аҳволи учун ўз масъулиятини ҳис этмайди. Ижроком қабул этган қарорлар жойлардаги ташкилотчилик иши билан мустаҳкамланмайди, бу қарорларни бажаришга доимий комиссиялар, депутатлик группалари жалб этилмаган. Раислари билан суҳбат ўтказилган бошқа райижрокомларда ҳам аҳвол бундан яхши эмас.

Посёлка, қишлоқ, овул Советлари актив бунёдкорлик фаолиятига суст жалб этилмоқда. Улар корхоналар, хўжаликлар, муассасаларнинг иши билан чуқур шуғулланмаяптилар, аҳолининг эҳтиёжлари ҳақида ғамхўрлик қилмаяптилар. Баъзи районларнинг раҳбарлари мана шу сиёсий тузилмаларнинг роли ва обрўэтиборини ошириш чораларини кўрмаяптилар. Чунончи, Қораўзак район ижроия комитети раиси Н. Ҳилолов ўтган йили Калинин номли совхозга бир неча марта борганида, шу номдаги овул Советига бирон марта кирмади ва унинг фаолияти билан қизиқмади. Ҳолбуки, қайта қуриш ижрокомга таъсир қилмади, депутатларнинг, хўжалик раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаш одат тусига киритилмади.

Айрим партия комитетлари хўжалик органлари ўрнини босиш ва уларнинг майда-чуйда ишларига аралашишни давом эттирмоқдалар. Бу уларнинг ташаббуси ва мустақиллигини ўстиришга салбий таъсир қилмоқда. Бир қанча партия ходимлари хатти-ҳаракатидаги эскича ишлашга мойиллик мутахассисларнинг фикрини менсимасликка олиб келмоқда, бошланғич партия ташкилотларини четлаб ўтиб, хўжалик масалаларини ўзбошимчалик билан кўрсатмалар бериб, ҳал этишни назарда тутади. Оқдарё район партия комитетининг биринчи секретари А. Баҳромов практикасидан ана шундай фаолиятнинг конкрет фактлари келтирилди. Қашқадарё, Бухоро ва бошқа областларда жойларга вакиллар юборишдек қораланган практиканинг пайини қирқиш ўрнига уни авж олдирмоқдалар.

Бунинг оқибатида бир қанча хўжалик раҳбарларида масъулиятсизлик ва тайёрга айёрлик кайфияти, улар ишида сусткашлик, ишончсизлик пайдо бўлди, юқоридан келадиган кўрсатмага қараб ишлашга ўрганиб қолганлар ва эскича ишлаш усули қайтиб келишидан умидвор бўлиб юрибдилар, деб таъкидланди. Ҳатто, суҳбат чоғида Навоий, Жиззах областларининг, Қорақалпоғистон АССРнинг кўпгина раҳбарлари олға қараб ҳаракатга халқит бераётган нарсалар ҳақида далил-исбот билан гапириш, ўз нуқсонларини ўз-ўзини танқид руҳида тан олиш ўрнига, қолоқлик сабабларини турли объектив омиллар, бу йилги шарт-шароитларнинг ўзига хослиги, сув тақчиллиги, ўтмишдаги хатолар ва ҳоказолар билан изоҳлашга беҳуда уриндилар. Хатирчи районидаги «Олтинсой» совхозининг директори Т. Қўчқоров ва Нишон районидаги ВЛКСМ XVIII съезди номли совхозининг директори М. Дўстёров ва бошқалар суғориш учун сув камлигини рўкач қилиб кўрсатсалар ҳам, сувдан фойдаланиш, суғориш режими масалаларидан бехабардирлар.

Район агросаноат бирлашмалари ҳали қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг чинакам ташкилотчилари, фан-техника тараққиётининг ва иқтисодий тафаккурнинг дарғалари бўлишгани йўқ. Улар самарадорликнинг асосий омиллари бўлган интенсив технология, бригада пудрати ва хўжалик ҳисобини дастур қилиб олишгани йўқ. Ходимлар фаолиятида кабинет бюрократик услуби, уқувсизлик кўринаётган қолмоқда, амалий иш ўрнини кўпдан-кўп кўрсатмалар эгалламоқда. Кўпгина район агросаноат бирлашмасининг раиси А. Машарипов иқтисодий категорияларни яхши билмайди, қишловни ўтказиш, техника ремонти, кадрлар ўқувини ташкил этишга тааллуқли жўнгина масалалардан бехабар.

Буларнинг ҳаммаси шундан далолат бериб турибдики, кадрларнинг анчагина қисми замонавий талаблар ва қайта қуриш моҳиятини зарур даражада тушуниб етмаган, эски бисот билан яшамоқда, янги вазифаларни ҳал этишга эски мезонлар билан ёндашмоқда, ҳамма мавжуд потенциал кўзга яққол ташланиб турган кўпгина резервлар ишга солинмаган. Андижон ип-газлама комбинатининг директори С. Ниёзов кадрлар тайёрлаш ва ишчиларнинг социал-маиший шароитларини яхшилашга етарли эътибор бермаяпти. Оқибатда корхонада қўнимсизлик катта, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати паст, ускуналарнинг нормативда белгиланганидан кўпроқ бекор туриб қолишига йўл қўйилмоқда. Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси уч йилдан бери планни бажара олмаяпти. Иш қолоқ технология асосида уюштирилган, корхона раҳбарлари ва партия ташкилоти ишлаб чиқариш ўз муддатида реконструкция қилинишини таъминламадилар. Ангрен кўмир разрези 1986 йилда маҳсулот етказиб бериш планини фақат 95 процент бажарди. Разрез директори Ю. В. Антипин, партком секретари Ю. Савилов ишда қатъий бурилиш ясаш йўлини топа олмаяптилар, уларнинг фикрича, бу йилги кўмир қазиб олиш планини кон устини очиш ишларига путур етказиш билангина бажариш мумкин, бу эса кейинги даврда ишда узилишларга олиб келади.

Орқада қолаётган колхозлар ва совхозларни ривожлантиришга деҳқончилик маданиятининг пастлиги, техникадан самарасиз фойдаланилаётганлиги ва механизацияга қарши кайфиятлар, сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик, иш қониқарсиз ташкил этилганлиги, иқтисодий иш ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, ҳатто, суғориладиган ерлар майдонини кенгайтириш мумкинлиги семинарда таъкидланди. Суғоришда машиналар паркидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, мелиорациянинг илмий асосланган методларини кенг оммалаштиришга катта эътибор берилди.

Масалан, Марҳамат районидаги Куйбишев номли колхоз (раиси Т. Тешабоев) техника, минерал ўғит ва сувни зарур миқдорда олмоқда, хўжалик кўрсаткичлари эса йилдан-йилга ёмонлашиб кетмоқда. Чироқчи районидаги Ўзбекистон Компартияси номли совхоз (директори Д. Чўқморов) ўтган йили бор-йўғи 956 минг сўмлик ялпи маҳсулот етиштирди, бир миллион 160 минг сўмлик зиён кўрди, пахта тайёрлаш планини бор-йўғи 20 процент бажарди, ҳар бир сигирдан ўртача 853 килограммдан сут соғиб олинди. Хива райони хўжаликларида жорий этилган оила пудрати сўнгги икки йил мобайнида аслида тарқаб кетди. Масалан, Энгельс номли колхозда меҳнатни ташкил этишнинг ана шу формасига илгари 335 оила жалб этилган эди, шулардан 23 таси қолди, холос. Бундай камчиликлар бошқа хўжаликларда ҳам содир бўлмоқда.

Маҳаллий партия ва совет органлари капитал қурилиш ва транспорт иши билан онда-сонда шуғулланмоқдалар. Ана шу тармоқлардаги пишиб етилган муаммоларга юзаки ёндашмоқдалар, кўпинча ўзбошимчалик билан юқори органларнинг қарорларига зид бўлган кўрсатмалар бермоқдалар, планлаштириш, партия ташкилотларининг ролини ошириш, коллективлар раҳбарларини танлаш ва тарбиялашда зарур тартиб бўлишига етарли эътибор бермаётирлар.

Шу йилдан бошлаб хўжалик юритишнинг ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўз ҳаражатларини ўзи қоплашнинг янги методларига кўра ишлаётганликларига қарамай, савдо ходимлари жуда хотиржам юришибди. Масалан, Учқўрғон район матлубот жамиятида шу кунгача ҳам муайян тадбирлар ишлаб чиқилмаган, жамият раҳбарлари — раис Т. Исмаилов ва партия ташкилоти секретари З. Тўраевларга бу масала равшан эмас.

Бир қанча бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлиги ва талабчанлиги паст даражададир. Уларнинг секретарлари баъзан уқувсиз раҳбарларга эргашиб, муроса йўлини тутмоқдалар, камчиликларни четлаб ўтмоқдалар. Улар ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларига партиявий таъсирни кучайтириш, одамлар билан яккамаякка ишлаш, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш, мутахассислар ва оддий меҳнаткашларнинг ташаббускорлигини ошириш масалаларига кам эътибор бермоқдалар. Избоскан районидаги Ленин номли колхоз партия комитетига 6 йилдан кўпроқ вақтдан бери Д. Ҳасанов бошчилик қилиб келмоқда. Аммо шу давр мобайнида у сиёсий раҳбарлик, коммунистларни самарали ишга сафарбар этиш кўникмаларини эгаллай олмади. Хўжалик 1979 йилдан бери пахта тайёрлаш планини бажармаяпти.

Яқинда раҳбарлик лавозимларига кўтарилган партия, совет, хўжалик ходимлари фаолияти билан танишиш ва улар билан суҳбатлашиш шуни кўрсатдики, ҳали уларнинг билими, тажрибаси етарли эмас, ташкилотчилик ва идеология ишини кучайтириш, барча участкаларда топширилган иш учун кадрларнинг масъулиятини ошириш йўли билан содир бўлаётган жараёнларга таъсир этиш уқуви етарли эмас. Улар область партия комитетлари, область ижроия комитетлари, министрлик ва идоралардан дуруст амалий ёрдам ва мадад олишаётгани йўқ. Шу сабабдан уларнинг раҳбар бўлиб вояга етиш даври чўзилиб кетмоқда, улар дадиллик ва мустақиллик кўрсата олмаяптилар, кўпинча ижрочи бўлиб қолмоқдалар. Район агросаноат бирлашмаларининг раислари, корхоналар ва хўжаликларнинг раҳбарлари асосиз равишда тез-тез алмаштирилишига йўл қўйилмоқда. Масалан, Жиззах аккумулятор заводида уч йил ичида тўрт директор ўзгартирилди. Аммо ишнинг аҳволи яхшиланган йўқ.

Суҳбат чоғида шу нарса аён бўлдики, айрим регионларда содир бўлган қийинчиликларнинг ҳақиқатан ҳам объектив сабаблари бор. Ишлаб чиқаришга оид, техникавий ва социал характердаги мураккаб масалалар йиғилиб қолганки, уларни айрим шаҳар, район, корхона ва хўжаликнинг ўз куч-ғайратлари билан бартараф этиш мушкул. Ана шу проблемаларни ҳал этиш йўлларини белгилаш суҳбатлашишларнинг асосий вазифаларидан бири эди. Суҳбатлашишлар якунларига кўра, министрлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди, жойларда амалий тадбирлар кўрилмоқда. Бир қанча раҳбарлар конкрет ишларни бошлаб юбордилар. Масалан, Марказий Комитет ҳузуридаги партия контроли комиссияси ходимлари билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида суҳбат бўлганидан кейин бир кун ўтгач, Тошкентдаги 1-пойабзал фабрикасида шаҳар партия комитети ва Фрунзе район партия комитети секретарлари, республика Енгил саноат министри ўринбосари иштирокида аниқланган камчиликлар таҳлил этилди, корхона ишини қайта қуриш йўллари белгиланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўтказилаётган ишга катта жўшқинлик ва йўналиш бахш этиш учун қабул қилинган қарорда область партия комитетлари ва область ижроия комитетлари зиммасига министрлик ва идоралар билан биргаликда орқада қолаётган районлар, корхоналар ва хўжаликлардаги ишларнинг аҳволини чуқур таҳлил этиш, уларнинг ҳар бирида конкрет тадбирлар ишлаб чиқиш ва шу тарика 1987 йилдаёқ ишни кескин тузатиб олиш, план топшириқлари ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг тўла ва ошириб бажарилишини таъминлаш вазифасини юклади.

Шу мақсадда ҳар бир корхона бўйича ишлаб чиқаришни техникавий янгилаш ва реконструкция қилишнинг комплекс планларини ишлаб чиқиш, корхоналарни икки ва уч сменали иш режимига ўтказишни жадаллаштириш топширилди. Ишлаб чиқаралаётган маҳсулот сифатига, барча корхоналарда давлат қабулини жорий этиш, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш шароитларида ишлашга тайёргарлик масалаларига эътиборни кучайтириш керак.

Ҳужжатлар тақдим этиш, пудрат шартномалари тузиш, маблағ билан таъминлаш, асбоб-ускуна етказиб беришни бошлаб юборишга ва бошқаларни инобатга олиб, капитал қурилиш планини бажариш масалаларини ҳал этиш юзасидан шошилинч тадбирлар кўрилсин. 1988 йил планини тузишга дарҳол киришилсин. Пудратчи қурилиш ташкилотлари коллектив пудратга ўтишни жадаллаштиришлари керак.

Қишлоқ хўжалигида интенсив технологияларни жорий этиш ишнинг бош йўналиши деб ҳисоблансин. Сув тақчил бўлишини инобатга олиб, барча областлар сувдан ғоят тежаб-тергаб фойдаланиш лимитларидан хабардор қилинсин. 15 мартга қадар жами қишлоқ хўжалик техникаси ремонтдан чиқарилиб, ишга шай қилиб қўйилсин. Пахта териш машиналарининг икки сменада ишлашини ташкил этиш учун етарли миқдорда механизаторлар тайёрлансин. Мутахассисларнинг, ўрта бўғин кадрларининг иқтисодий ўқуви ташкил этилсин, уларга хўжалик юритиш ва бошқаришнинг, хўжалик ҳисоби принципларининг янги методларини ўрганишларида ёрдам берилсин. Бригада пудрати, оила пудрати, илғор хўжаликлар тажрибаси кенг жорий этилсин.

КПСС Марказий Комитетининг Пермь область партия комитетининг ҳисоботи ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бухоро область партия комитети иши тўғрисидаги қарори асосида область, шаҳар ва район партия комитетларига, маҳаллий Советлар ижроия комитетларига иш услуби ва методларини қайта қуришга эришиш, камчиликларни бартараф этишда бошланғич партия ташкилотларига ва меҳнат коллективларига кўпроқ конкрет, амалий ёрдам бериш тошириларди. Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириш асосида халқ хўжалиги ишининг самарадорлигини оширишга, аҳолининг ижтимоий-сиёсий активлигини кучайтиришга эришиш керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети орқада қолаётган шаҳар, район, корхона, ташкилот ва хўжаликлар раҳбарлари билан суҳбат ўтказган ўртоқлар бундан буён уларнинг ишини доимий назорат қилиб боришларини, шу йилнинг август-сентябрь ойларида эса бевосита жойларнинг ўзида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан қабул қилинган тадбирларни кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб топди.

СУВДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

13 февраль куни «Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг марказий экспериментал базасида бўлиб ўтган семинар-кўрикда гўза ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик экинларини суғориш учун мелиорация ишларини ўтказишнинг илғор усуллари ва замонавий юксак самарали техника намуналари намойиш қилинди. Семинарда область партия комитетлари биринчи секретарлари, олимлар ва мелиорация ҳамда сув хўжалиги мутахассислари иштирок этдилар.

Республикада ҳозир ҳам, келгусида ҳам сув ресурслари чекланган шароитларда мавжуд запаслардан оқилона фойдаланиш ва сув исрофгарчилигини ғоят камайтириш эвазигагина суғориладиган ерлар майдонини кенгайтириш мумкинлиги семинарда таъкидланди. Суғоришда машиналар паркидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, мелиорациянинг илмий асосланган методларини кенг оммалаштиришга катта эътибор берилди.

Семинар қатнашчилари ерларни суғориш ва мелиорациялашни механизациялашга, ернинг шўрини ювиш самарадорлигини оширишга, сув сарфини камайтиришга оид энг янги фан ва техника ютуқлари билан танишдилар. Эгатлардан суғорадиган кенг қамровли агрегатлар ва ускуналар, ёмғирлатиш машиналари, тупроқ остидан ва томчилатиб суғориш системалари, кучли қувур ётқизгичлар, ерни ювишга тайёрлайдиган машиналар комплекси, сув сарфини камайтирган ҳолда ерни бир текис суғоришни ошириш имконини берадиган стационар ва кўчма қувурлар туркумлари кўрсатилди. Тупроқдаги сув запасларини оператив тарзда аниқлаш, суғориш муддатларини аниқ белгилаш имконини берадиган энг янги электрон техника ҳам намойиш қилинди. Бу ерда қўйилган машина ва ускуналарнинг намуналари ҳозирдаёқ кўплаб ишлаб чиқарилмоқда ёки саноатда ўзлаштириш арафасида турибди.

Семинар ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. А. Антонов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

• СССР Олий Совети Президиумининг қабулхонасидан репортаж

ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ СУҲБАТ УЧУН АЖРАТИЛГАН ЯРИМ СОАТ

Совет халқи билан унинг ҳокимияти тенгма-тенг суҳбатлашар экан, айрим кишининг фикр-мулоҳазаларини эшитиш учун ҳамиша имконият бор. СССР гражданининг уни ҳаяжонга солиб турган масала хусусида фикр-мулоҳазасини олий даражада эшитишлари учун совет кишиси пойтахт метросининг «В. И. Ленин номли кутубхона» бекатида тушиб, юқорига кўтарилиши кифоя қилади.

Кремлдан юз метр нарида кўҳна бинода СССР Олий Совети Президиумининг қабулхонаси жойлашган. Жамоат иши ёки шахсий юмуши билан мамлакат ҳокимияти олий органига мурожаат қилган кўп одамларга қабулхонанинг адреси маълум. У Калинин проспектидаги 4/22-уйда жойлашган. СССР Конституциясининг 58-моддасига асосан, мамлакат гражданига ана шундай ҳуқуқ берилган.

Ўрта яшар одам адресни ён дафтаридаги ёзув билан солиштириб кўрмоқда.

У эшик тутқичини аста ушлаб, ийманибгина ичкари киради.

Қабулхонанинг ўзига хос ажойиб хислати шундаки, бу ерда навбат кутиб қолмайсиз. Қабулхонанинг катта референти И. Совков аниқпухта ишлаш билан бир қаторда, бу ерга келган кишининг дардини ҳам тез уқиб олади. Игорь Гаврилович катта ҳаётий ва профессионал тажрибага эга, у Улуғ Ватан урушининг ветерани, қабулхонада 30 йилдан бери ишлайди. Қабулхона ходиминнинг яна бир фазилати шундаки, у хушфеъл, ҳар бир одамнинг кўнглига йўл топа олади.

И. Совков қабулхонага келган кишини навбатчилик қилаётган консультантлардан бири билан таништиради. Бу ерга келган саратовлик инженер Ф. Чекаловнинг ижозатини олиб, унинг консультант Л. Казакова билан суҳбатида қатнашмоқдамиз.

Ф. Чекаловнинг фикрича, ишнинг моҳияти уни уй-жой олишга навбатда турганлар рўйхатида ноҳақ чиқариб ташлаганликларидадир. Бу ерга мадад ва ёрдам сўраб келаётган барча кишилар ўзларини ҳақ, иккинчи томонни эса ноҳақ, деб ҳисоблашларига ажабланиш керак эмас.

Пойтахтга келган инженер ўртага қўйган масалани ҳал этмоқ учун консультантга қабулхонага келувчи ҳар бир киши билан суҳбатлашиш учун расман ажратилган ярим соат вақт ҳам кетмади. Консультант Ф. Чекалов сўзларини диққат-эътибор билан тинглаб, унинг ҳужжатларини кўздан кечирганидан кейин шу нарса аён бўлдики, инженер кўтарган масалани у ишлаган корхонада юзаки, ўзгариш рўй берган оилавий аҳвол ҳисобга олинмасдан кўриб чиқилган.

Қабулхона консультанти шошилинч тарзда телефон орқали Саратов шаҳри билан боғланди. Телефон трубкасини касаба союзлари Саратов область советининг раиси И. Найденов кўтарди. Л. Казакованинг далилларини эшитганидан сўнг у, дарвоқе, бир қанча тафсилотларни инобатга олмабмиз, дейишга мажбур бўлди...

Инженер Чекалов масаласини ҳозирча ижобий ҳал этилди, дейиш мумкин эмас. Аммо бир неча минут ичида масалани ҳал этишга касаба союз ходимлари жалб этилиб, бу жумбоқ ўрнидан силжитилди. Қабулхона ходимларининг вазифаларидан бири худди ана шундадир. Бу ерда хизмат қилаётган 70 га яқин мутахассис (техник ходимлар ҳам шу ҳисобга киради) шикоят қилиб келган одамга амалпарастликнинг «жинкўчалари»дан чиқиб олиши учун ҳанузгача давом этаётган бюрократларча қоғозбозлик орасидан ҳақиқатни топишга ёрдам бериш учун қўлларидан келган ҳамма ишларни қиладилар.

Инженер умидвор бўлиб, қабулхонадан чиқади. Биз эса, бу вақтда ростини айтсак, бошқа нарсаларни ўйлаб кетдик. Наҳотки, инженер кўтарган масалани дарров ҳал этиб бўлмади. Хатони Москвадагина аниқлашди. Қанчадан-қанча одамлар ҳақиқат излаб, мушкул ишни виждонан ҳал этиш учун пойтахтга келмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида инсонга, унинг эҳтиёжлари ва сўровларига диққат-эътибор қилиш тўғрисидаги масала принципиаллик билан ўткир қилиб қўйилганлиги бежиз эмас. Жамиятимизни қайта қуришнинг моҳияти ана шундадир. Бу соҳада кўп иш қилиниши керак. Бу ишлар, албатта, бажарилади. Социалистик демократиянинг бундан буёнги тараққиёти айрим одамлар тақдирига бефарқ қараш билан, бағритошлик билан чиқиша олмайди.

Вестибюлга қайтиб чиқиб, янги келган одамларга кўзимиз тушади. Айрим кишилар И. Совковга мурожаат қилиб муайян консультант ҳузурига юборишни илтимос қилмоқдалар. Ҳатто консультантнинг исми-фамилиясини ҳам айтмоқдалар. Бу ерда меҳнат қилаётган одамларнинг хайрли ишлари ҳақидаги овоза бутун мамлакатга ёйилган. Ўша узоқ 1919 йилнинг апрель ойида қабулхона эшиклари очилиб, унинг остонасидан олис даврнинг ибораси билан айтганимизда, дастлабки илтимосчилар ҳатлаб ўтган эдилар. Ўшандан бери минглаб одамлар ўзлари учун ниҳоятда муҳим бўлган муаммоларни ҳал этиш учун бу ерга келдилар. Оддий кишилар бу ерда янги социалистик демократиянинг «алифбе»сини ўргандилар. Улар ўз ҳокимиятлари ҳузурига тортинчоқ илтимосчилар тарзида эмас, балки қонунда кўзда тутилган адолатли мададни ўйлаб келдилар.

Яқинда қабулхонада гражданлар кўтарган масалаларни умумлаштириш ва таҳлил этиш сектори тузилди. Бу ерда айрим масалалар, хусусий муаммолар ортида катта давлат аҳамиятига эга бўлган тенденцияни пайқаб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Ана шундай ғоялар мағзини чақиш Советлар ишини янада такомиллаштириш йўлларидан биридир. Партиямиз бу тахлитда Советлар ишини такомиллаштириш зарурлигини уқтирмоқда.

Қабулхонада иш куни давом этмоқда. Қабулхонанинг иккинчи қисмида СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари навбатдаги қабулни бошлайди. Худди шу ерда, мамлакат давлат ҳокимиятининг олий даражасида ўтказилган кўпгина суҳбатлар чоғида миқёси кенг бўлган тадбирлар кўрилган эди, булар орасида Шимол дарёларининг бир қисмини жанубга оқизиш лойиҳасини тўхтатиш, Москвадаги «Поклонная гора»да ўрнатилажак Ғалаба ёдгорлиги лойиҳасини қайта кўриб чиқиш, тарихий ёдгорликларни муҳофаза этиш юзасидан кўрилган янги тадбирлар ва бошқа кўпгина қарорлар ҳам борки, уларни жамоатчилик якдиллик билан қўллаб-қувватлаган.

СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ

Биз бу хонага қабул бошланиши олдидан кирдик. Иш устида бу ерга бегоналарнинг кириши мумкин эмас. Бу ерда навбатчи консультант ва секретарь-стенографистка ўтиради, холос. Хонада амалий иш вазияти — столлар, юмшоқ ўриндиқлар қўйилган, телефон ўрнатилган, шу телефон орқали мамлакатдаги ҳар бир шаҳар билан жуда тез боғланиш мумкин.

Аммо ҳар қалай, ана шу амалий иш вазиятига нимадир етишмаётгандек туюлди, бизга, эҳтимол, деворга Давлат Герби, Миллий байроғимизни илиш, жовонларга Совет Конституцияси китобини қўйиш ўринли бўлар. Зотан, бу ерга келаётган одамлар бевосита Совет ҳокимиятининг олий органига мурожаат қиладилар. Иш шароитининг аддийлиги эса уларнинг кайфиятига унчалик мос тушмаётгандай.

Лекин меҳнат коллективини, социал гуруҳни, ҳар бир совет кишисини ҳаяжонга солиб турган масалага нуфузли жавоб олиш учун пойтахтга келиш шарт эмас. «Москва, СССР Олий Совети Президиумига» — деб ёзилган мактублар ҳам қабулхонага келиб тушади. Бу мактубларда кўтарилган масалаларни тез, пухта ва чин дилдан кўриб чиқадилар.

Тирик одамга қандай муомала қилинган бўлса, хатлар ҳам сансалорликсиз, ишонч ва диққат-эътибор билан, эзгу-ният ва аниқлик билан кўриб чиқилади. Қабулхонага келган хатларни ҳар ўн кунда бир марта Совет давлатининг бошлиғи шахсан ўзи кўриб чиқади. Чунки меҳнаткашларнинг мактублари — бу шундай холисона кўрсаткички, унда омманинг кайфияти, жамиятда рўй бераётган чуқур жараёнлар акс этади.

Олдимизда кўтарилган масалалар ҳал этилган хатлар солинган папка турибди, лекин уларни архивга топширишга шошилишаётгани пайқаб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Ана шундай ғоялар мағзини чақиш Советлар ишини янада такомиллаштириш йўлларидан биридир. Партиямиз бу тахлитда Советлар ишини такомиллаштириш зарурлигини уқтирмоқда.

Дивногорск шаҳридан яқинда келган мана шу мактубни олиб кўрайлик. Унга «Красноярскэнергопромстрой» трести қурилиш бошқармасининг 60 ходими имзо чеккан. Улар Сибирда қурилишнинг саноат базаси тараққиётига тааллуқли конкрет масалаларни кескин қўйганлар. Регионнинг социал тараққиётига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган энг муҳим соҳалардан бирида қайта қуриш ниҳоятда суст бормоқда.

Бу хат асосида 315/1-АГ номерли иш очилди. Бу ишга СССР Олий Совети Президиумининг Раиси имзо чекиб, СССР Министрлар Совети ва СССР Халқ контроли комитети номига юборилди: «Нуфузли вакиллар комиссиясининг кўрсатилган жойга юбориб, қурилиш бошқармаси ходимлари хатида кўтарилган масалаларни диққат билан қараб чиқишини сўрайман».

Шуни айтиб қўйишимиз лозимки, комиссия қурувчиларнинг таклифига рози бўлди. СССР энергетика ва электрлаштириш министри А. И. Майорецга «Красноярскэнергопромстрой» фаолиятини яхшилаш учун конкрет тадбирлар кўриш топширилди. Бу тадбирларни бажаришнинг аниқ муддатлари белгиланди.

Жамиятимизни демократлаштириш, совет кишиларининг социал активлиги ошиб бораётганлиги, энг муҳим ишларни бошқаришда уларнинг бевосита иштирок этишига интилаётганликлари туфайли СССР Олий Совети Президиумига келаётган хатларнинг характери сезиларли равишда ўзгармоқда. Москвадаги бир группа дружиначилар қабулхона орқали мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органига мурожаат қилишиб, турмуш тарзимизни бузаётган, тузумимизнинг инсонпарварлигини суиистеъмол қилаётган кимсаларга нисбатан қатъийроқ чоралар кўришни таклиф қилишган. Украинадаги бир группа рационализаторлардан конкрет таклиф олинди. Унинг моҳияти шундаки, муҳим участкада янги техникани жорий этишни жадаллаштириш керак. Ленинградлик иқтисодчилар эса, уларнинг фикрича, ишлаб чиқаришда хўжалик ҳисобининг яна ҳам самаралироқ методикасини жорий этиш керак, деб ёзишган...

Катта давлат аҳамиятига молик бўлган бу проблемалар бир лаҳза бўлса ҳам оддий кишининг шахсий ишларини сира ҳам назардан қочирмайди. Краснодар шаҳридан келган хат солинган конвертга қуйидаги адрес ёзилган: «Виноградная кўчаси, 5-уй, Н. Я. Васильев».

Улуғ Ватан урушининг ветерани Николай Яковлевич Васильев маҳаллий маъмурлар ўз уйида телефон ўрнатишни ниҳоятда чўзиб юборганликларини ҳабар қилади. Хат устига А. А. Громико қуйидаги резолюцияни қўйди: «Бу мурожаат гражданлар эҳтиёжларига, айниқса, инвалидлар эҳтиёжларига эътиборсиз қараётганидан далолат бериб турибди, шунингдек, айрим мансабдор шахслар ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан муносабатда бўлаётганликларини кўрсатмоқда. Бундан жиддий хулосалар чиқариб олиш керак. Натижалар хусусида хабардор этишингизни сўрайман».

Николай Яковлевич хонадонига ҳам, уруш ветерани бўлган унинг икки ўртоғи хонадонига ҳам «телефон ўрнатилди. Сансалорлик қилишда айбдор бўлган кишилар жазоланди. Ажойиб факт. Совет давлати раҳбарига бошқа энг муҳим масалалар қатори ана шу масала ҳал қилинганлиги тўғрисида ҳам маълум қилинди.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. А. Мокану ҳузурига кириш олдидан киевлик ёш инженер Людмила Игнатенко ҳаяжонини яширолмасди. Ҳужжатларини тайёрлаган консультантдан у бундан тўрт йил муқаддам Киев автомобиль институтини битириб чиққанлигини, ёш мутахассис Киев областидаги Боярка шаҳрида жойлашган автокорхонага ишга йўлланма олганини билдик. Шу йиллар ичида ёш инженернинг: оилам қачон уй-жой олади, қачон пропискадан ўтаман, деган саволига аниқ жавоб беришмаган.

«Менга бефарқ қарашди», — деб ёзди у СССР Олий Совети Президиуми номига ёзилган мурожаатномасида, бу мурожаатномага у турли инстанцияларга ёзилган ўнинчи мактубига олинган расмий жавобни илова қилган. Биз халқ депутатлари Боярка шаҳар Совети ижроия комитетининг резолюциясини ўқиб кўрдик. Шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Е. Карпенко имзо чеккан жавобни қуруқ, расмият учун ёзилган хат, дейишдан бошқа иложимиз йўқ: «Юқоридагиларни инобатга олиб, ижроком Игнатенко оиласини прописка қилиш масаласини ижобий ҳал эта олмайди, шу муносабат билан унга мустақил тарзда хусусий квартира қидириб топиш тавсия этилди...» Нўноқ ёзилган бу сатрлар муаллифи кўнглини фавқулоддда аҳвол ҳам юмшата олмаган: Людмиланинг эри шофёр бўлиб ишлаган, у Чернобиль АЭСида авария содир бўлганида фожианинг энг мураккаб биринчи кунларида аварияни бартараф этишда иштирок этган, мана уч ойдирки, аҳволи ёмонлашганлиги туфайли у касалхонада ётибди, даволанмоқда.

Биз А. А. Мокану билан суҳбатлашмоқдамиз. У ҳозиргина Л. Игнатенко билан гаплашди, шундан кейин Украина ССР Министрлар Совети номига ёзилган мактубга имзо чекди.

— Суҳбат оғир бўлди, — деб тан олди Александр Александрович. — Ростини айтсам, шунга ўхшаш бағритошлик ҳолларига дуч келганимда, қандайдир бемеҳр одамлар туфайли ночор аҳволга тушиб қолган кишиларга ачиниб кетаман, айни вақтда совет ходими деган номга доғ туширишга ёраётган кишиларга, рўй-рост айтсам, қаҳр-ғазабим қучаяди. Бюрократлар, амалпарастлар, сансалорчиларнинг даври қайтмас бўлиб ўтиб кетди. Ана шу муқаррар жараённи жадаллаштиришни мен қайта қуришдаги ўз бурчим, вазифаримдан бири деб биламан.

...Калинин проспектидаги 4/22-уй Москва марказида жойлашган. Шаҳарга аллақачон оқшом қўнган бўлса ҳам, СССР Олий Совети Президиуми қабулхонасидаги хоналарда чироқ ачигача ўчмай туради. Бу чироқ Кремлнинг ёқут юлдузлари сингари ҳақиқат ва эзгулик, адолат ва умид шуъласи бўлиб бепоён мамлакатимизга нур сочиб турибди. Бу жонажон Совет ҳокимиятимизнинг абадий ўчмас машъали.

А. БЕЛИКОВ,
Б. ГРИШЧЕНКО,
Н. ЖЕЛЕЗНОВ,
ТАСС мухбирлари.
Москва.

КАДРЛАР ЎҚУВИ

Тошкент олий партия мактаби партия, совет ва идеология кадрлари малакасини ошириш факультетида тингловчиларнинг навбатдаги туркуми ўқишни тугаллади. Унинг составида Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон Компартиялари қишлоқ-район комитетларининг биринчи секретарлари бор. Ўқиш чоғида улар партия XXVII съезди қарорлари асосида КПСС марксча-ленинча сиёсатининг актуал масалаларини, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш хўжалик фаолиятининг ва ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида қайта қуришни амалга оширишнинг муҳим шарти бўлмиш инсон омили ролини кучайтириш проблемаларини ўргандилар. КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленуми олға сурган партиянинг ҳозирги кадрлар сиёсати вазифалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. И. Огарок, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири П. В. Догонкин, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Ҳ. Алимова, Ўзбекистон ССР ички ишлар министри У. Раҳимов, мелиорация ва сув хўжалиги министри Қ. С. Сапаев, маориф министри О. С. Аббосова, Ўзбекистон ССР прокурори А. В. Бутурлин, Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти П. Қ. Ҳабибуллаев, Туркманистон Фанлар академиясининг президенти О. Г. Овезгелдиев, «Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори Л. П. Қаюмов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходимлари, республика олимлари ана шу масалаларни тингловчилар ҳузурида муфассал ёритиб бердилар.

Ўқув программасида КПСС Марказий Комитетининг Пермь область партия комитети иши тўғрисидаги қарори асосида Устав талабларини бажариш учун коммунистларнинг масъулиятини кучайтириш масалаларига катта ўрин берилди. Агросаноат комплекси шароитида партия ташкилотларининг фаолиятини қайта қуришни чуқурлаштириш, қишлоқда маданий-спорт комплекслари ишини такомиллаштириш муаммолари кўриб чиқилди.

Ушбу масалалар юзасидан Андижон область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Орипжонов, Тошкент область партия комитетининг секретари Ш. З. Камолхўжаев, Сурхондарё область партия комитетининг секретари К. Б. Бобоқулов, республика Давлат агросаноат комитети раисининг биринчи ўринбосари — Ўзбекистон ССР министри В. И. Антонов нутқ сўзладилар.

Тингловчилар Коммунистик ва Ўрта Чирчиқ район партия комитетларида партия ишини қайта қуриш тажрибаси билан танишдилар. Иш тажрибаси кенг кўламда ўртоқлашилди. «КПСС XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми партия ишини қайта қуриш тўғрисида» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Ўзбекистон ижодий союзларининг раҳбарлари билан учрашувлар бўлди. Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси Ў. Р. Умарбеков, Рассомлар союзи правлениесининг раиси Ж. Ю. Умарбеков, Кинематографчилар союзи правлениесининг биринчи секретари А. З. Қобулов тингловчилар ҳузурида сўзга чиқдилар.

(ЎзТАГ).

● КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1987 ЙИЛ ЯНВАРЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

РАИС ҚАНДАЙ САЙЛАНДИ?

Колхозчилар бундай кунни анча йил орзиқиб кутишди. Негаки ҳамма ердаги каби Навбаҳор районидаги «Ленинград» колхозида ҳам коллектив фикрини инобатга олмай раҳбарларни «юқоридан» танлаш одат тусига айланган эди. Бу галги ҳисобот-сайлов йиғилишида бу одатга чек қўйилди. Раисни колхозчиларнинг ўзлари сайлади.

Вақт — тарози. У кишилар, раҳбарлар, коллектив фаолиятига ҳаққоний баҳо беради. «Ленинград» колхозида ўтган йили амалга оширилган ишларни қай томондан тортиб кўрмайлик, афсуски, тош босмайди. Хўжаликда асосий маҳсулот — пахта етиштириш топшириғи 47,8 процентда қолиб кетди. Ҳар бош сигирдан атиги 1600 литрдан сут соғиб олинди. Мева ва маккажўхори дони ҳосилдорлиги гектар бошига 8 ва 3,7 центнерни ташкил қилди. Ўзум тайёрлаш эса 4 центнерга ҳам етмай қолди...

— Раисимиз кўнгилчан. Унда талабчанлик етишмайди. Буни пайқаб олган одамлар тез орада истаган пайтда йиғилишга келишни, топшириқларни ҳам вақтида бажармасликни одат қилишди. Балки иш бундан буёнига ўнгланар...

Афсуски, иш ўнгланмади. Албатта кузатилган воқеадан, бир кишининг фикридан колхоз раиси Сувон Бердиев фаолияти ҳақида ана шундай хулосага келиб бўлмайди, албатта. Бироқ яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиққан колхозчи Рохила Тангриева, бригада бошлиғи Файзулла Исломов, сут соғувчи Мусаллам Жўраева, боғбон Қўчқор Ҳасановлар раисдаги шу каби хусусиятлар ҳақида яна гапиришди. С. Бердиевда раҳбарлик малакаси, ташкилотчилик қобилияти ҳам етишмас экан. Натижада бош мутахассислар ишдан кўра нутқбозлик, буйруқбозлик билан кўпроқ шуғулландилар. Қишлоқ хўжалик фанлари кандидати бўлган раис агротехника тадбирларни амалга оширишда камчиликларга йўл қўйилаётганлигини яхши билгани ҳолда уларни ўз вақтида бартараф этишга кишиларни жалб эта олмади. Бунинг устига бунга қадар раҳбар бўлган шахсларнинг қўшиб ёзишлари, кўзбўямачиликлари туфайли оғир аҳволга тушиб қолган колхозни оёққа турғизиш учун қатъият ва принципиаллик ҳам зарур эди.

Раис колхоз правлениеси ҳисоботида ишлаб чиқаришдаги камчиликларга танқидий ёндашгани ҳолда ташкилий фаолиятдаги нуқсонлар моҳиятини таҳлил этишга, умуман эътибор бермади. Бош инженер Наим Раззоқов, бош агроном Ҳиммат Қувондиқов ҳам худди шу йўлни тутишди. Ушбу фактнинг ўзиёқ улар замонавий раҳбарга хос фазилатлардан анча йироқлигини, улар қайта қуришни ўз онгларини ўзгартиришдан бошлашлари лозимлигини яққол кўрсатиб турарди.

Навбат сайловга ўтди. Навбаҳор район партия комитети колхоз коммунистлари, оқсоқоллари билан бафуржа кенгашиб олган эди. Улар уч кишини — колхоз раиси С. Бердиев, партия ташкилоти секретари Шавкат Равшанов ва РАПО раисининг ўринбосари Турғун Жўраевларнинг номзодини раҳбарликка кўрсатишди. Сайлов ёпиқ овоз бериш йўли билан ўтадиган бўлди.

Колхозчилар уч номзодни ҳам яхши билишарди. Хўжалик коммунистларига етакчилик қилаётган Ш. Равшанов ишлаб чиқаришда анча пишган, умидли ташкилотчи сифатида ўзини кўрсатган эди. Асли шу колхозда туғилиб вояга етган Т. Жўраев бўлса то 80-йилларнинг бошига қадар бу хўжаликка раҳбарлик қилган.

Т. Жўраевнинг тақдири ўша пайтда район партия комитетининг собиқ биринчи секретари, айни пайтда пахтани қўшиб ёзиш ва порахўрликда айбланиб, узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм этилган Ғ. Ўринов томонидан бир кунда ҳал этилган эди. Ўринов лаганбардор, йўқни йўндириб, борни сув қилиб юборадиган раҳбарларнигина хуш кўрар эди. Жўраевда эса у суйган «хислатлар» йўқ бўлиб чиқди. Қўшиб ёзишга қатъиян аралашмади. Шундай бўлгач, оқибат ҳам ўз-ўзидан маълум эди. Райком бюроси уни ўзаро текшириш бригадаси аъзоларининг маълумоти асосида вазифасидан бўшатди. Қизиғи шундаки, ўшанда ўзаро текширувчилар колхоз далаларида бўлишмаганди.

Саноқ комиссияси ўз фаолиятини якунлади. Комиссия раиси уч номзодга берилган овозлар натижасини ўқир экан, колхозчилар юзи қувончдан ёришиб, зални гулдурос қарсаклар тўлдирди. Т. Жўраев учун 366, С. Бердиевга 23, Ш. Равшановга эса 6 киши овоз берган эди. Шундай қилиб, «Ленинград» колхози аъзолари биринчи маротаба тавсия этилган номзодлар орасидан танлаб раҳбар сайлаш ҳуқуқларидан фойдаландилар — правление раислигига ўзлари муносиб деб топган кишини сайладилар.

КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленумида меҳнат коллективларида сайловларни кенг демократик асосда ўтказиш, раҳбарлар, бригадирлар ва мастерларни сайлаб қўйиладиган қилиш зарурлигига алоҳида аҳамият берилди. «Раҳбар кадрларни ҳамма ерда сайлаш асосида тайинлаш жараёни олға томон қўйилган янги қадам бўлиб, — деб таъкидланди Пленумда, — меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришда ишторок этишига принципиал янгича характер бахш этади». Навбаҳор районидаги «Ленинград» колхозида ана шундай янгича қадам қўйилди.

А. ҚОРЖОВОВ.

ДАВЛАТНИНГ КУЧ-ҚУДРАТИ — СССР ХАЛҚЛАРИНИНГ ДЎСТЛИГИДАДИР

(Боши биринчи бетда).

Қардошлик иттифоқининг куч-қудрати илгари қолоқ бўлган чекка ўлкаларни равнақ топтиришда айниқса ёрқин намоён бўлди. Қисқа тарихий давр ичида мамлакатимиздаги барча халқларнинг самимий ёрдами туфайли Ўзбекистон ССРда жуда катта социал ўзгаришлар содир бўлганлиги бунинг ёрқин мисолидир. Ҳозир республикамизда юздан ортиқ миллат ва элатларнинг вакиллари ягона оилада яшамоқдалар, эндиликда Ўзбекистон замонавий йирик индустрия, юксак даражада механизациялашган қишлоқ хўжалик, илғор илм-фан ва маданият ўлкасидир. Ўзбек халқининг тарихий ютуқлари КПССнинг жанговар отрядларидан бири бўлган Ўзбекистон Компартиясининг фаолияти билан чамбарчас боғлангандир. Ўзбекистон Компартияси аҳолини чуқур интернационал эътиқод руҳида тарбиялямоқда. Республиканинг хўжалик фаолиятини мамлакатнинг бошқа регионларидан олинадиган кўп турдаги маҳсулотларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўз навбатида Ўзбекистон ССР ҳам Бутуниттифоқ меҳнат тақсимотига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Республика меҳнаткашлари маҳсулот етказиб бериш юзасидан қабул қилинган мажбуриятларни сўзсиз бажаришни ўзларининг интернационал бурчлари, деб биладилар.

КПСС миллий муносабатлар соҳасида амалга оширган ишнинг якунлари социализмнинг улуғвор ютуғидир. Аммо бундан ҳар бир конкрет ҳолда миллий ва интернационал муносабатларни такомиллаштириш ўз-ўзидан рўй беради, деган маъно чиқмайди. Докладчилар бизнинг ютуқларимиз миллий жараёнлар муаммосиз, деган тасаввурни тўғдирмаслиги лозим, деб уқтирдилар. Бунда, аввало, маҳаллийчиликка, тайёрга айёрлик кайфиятларига барҳам бериш керак. Барча республикалар совет халқлари дўстлигининг моддий негизи бўлиб хизмат қилаётган мамлакат экономикасини жадал ривожлантириш муаммоларини ҳал этишга қўшадиган ҳиссасини муттасил кўпайтириб бориш тўғрисида ғамхўрлик қилиш айниқса муҳимдир. Амалдаги социалистик интернационализм — бу, аввало, ҳар бир инсоннинг умумий фаровонлик йўлидаги ҳалол, виждонан меҳнатидир.

Барча миллатлар ва халқларнинг иқтисодий ва социал тараққиёти уларнинг миллий ўзлигини англашга олиб келди, дейилди ягона сиёсий кунда. Аммо эришилган ютуқлардан ғурурланиш туйғусининг миллий гердайиш ва такаббурликка мутлақо алоқаси йўқ. Миллий чекланганликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши, совет кишилари ўртасидаги дўстликка рахна солишда миллий туйғулардан фойдаланишга уринишларга қарши принципиал кураш олиб бориш лозимлиги таъкидланди.

Ягона сиёсий кунда Ўзбекистоннинг партия, совет ва жамоат ташкилотлари ўтган ўн йилликлар мобайнида хўжаликка раҳбарлик соҳасида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш учун бажараётган ишлар, кадрлар сиёсатидаги қайта қуриш тўғрисида батафсил гапирилди. Сўнгги вақтда умуман раҳбар кадрларнинг миллий состави кенгайди. Барча партия комитетлари номенклатурасида ҳозир 60 миллат вакиллари бор. Кўпчилик ходимлар бошқа иттифоқдош республикаларга ўқишга ва стажировкага юборилди. Меҳнаткашларни айниқса ёшларни интернационал руҳда тарбиялашни яхшилаш учун рус тилини ўрганишга катта эътибор бериш лозимлиги таъкидланди, ҳозир мамлакат аҳолисининг саксон процентдан кўпроғи рус тилини билади. Докладчилар тарихимиз ва ҳозирги воқелигимизнинг конкрет фактларидан фойдаланиб, КПССнинг ленинча миллий сиёсатини туҳмат бўхтон билан қоралашга уринаётган, коммунизмга қарши идеологларга зарба бердилар. Улуғ Ватан урушида ғалабамизни таъминлаган совет халқининг давр синовидан ўтган метиндек бирлигига, экономика ва маданият тараққиёти йўлидан олға қараб бораверишимизга уйдирма-ю-бўхтонлар путур етказа олмайди. Миллий сиёсат ленинча принципларидан ижодий фойдаланиш СССР халқлари дўстлигини мустаҳкамлашнинг, советлар мамлакати қудратини мустаҳкамлашнинг гарови бўлади, деб таъкидланди Ягона сиёсий кунда. Докладчилар жуда кўп саволларга жавоб бердилар.

Ягона сиёсий кунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолари ва аъзоликка кандидатлар, республика Компартияси ревизия комиссиясининг аъзолари, область, шаҳар, район партия комитетларининг биринчи секретарлари ва бошқа сайлаб қўйиладиган органларнинг аъзолари, совет, жамоат ташкилотлари, республика министрликлари ва идораларининг раҳбарлари сўзга чиқдилар. Ягона сиёсий кунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

• «Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«СУКУТНИНГ БОИСИ НИМА?»

Шу сарлавҳали танқидий мақолада (1986 йил 24 декабрь сони) Урганч пиллакашлик фабрикасининг ишлаб чиқариш фаолияти таҳлил қилинган эди. Мақола юзасидан редакция расмий жавоблар олди.

Ўзбекистон ССР енгил саноат министри вазифасини бажарувчи И. А. ТАЙМАЗОВ:

— Кейинги йилларда Ўзбекистонда пиллакашлик корхоналари қуввати етишмаслиги сабабли нормадан ортиқча 2,4 минг тонна пилла (70 миллион сўмлик) хом ашёси тўпланиб қолди.

Министрлик хом ашё қолдиғини қисқартириш ва унинг бузилишини бартараф этиш мақсадида республика раҳбарлари ва Иттифоқ министрлиги розилиги билан пиллакашлик фабрикаларини, шу жумладан, Урганч фабрикасини уч бригадали икки сменали иш режимига ўтказди. Шу муносабат билан пиллакашлик фабрикаларида ипак хом ашёси ишлаб чиқариш планлари оширилди. Айни пайтда қўшимча иш ҳақи фонди, электр қувати лимити, ёқилғи ва моддий ресурслар ажратилди.

Асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш мақсадида эскирган импорт машиналар ўрнига 1985-1986 йиллар давомида «Узбектекстильмаш» бирлашмасида тайёрланган 24 та янги РК-4М машиналари ишга туширилди.

Фабрикадаги пилла ўрайдиган автоматларни алмаштириш масаласида шуни айтиш керакки, бу ерда чет элдан сотиб олинган автоматлар ўрнатилган эди. Эндиликда бундай автоматлар сотиб олинмаяпти. Айни пайтда «Узбектекстильмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси янги пилла ўраш автоматларини яратишни чўзиб юборди.

Ҳозир Марғилон ипак комбинатида ўзимизда тайёрланган янги КМ-84 автоматининг дастлабки саноат намунаси ўрнатиляпти. 1987 йил биринчи кварталда у қабул комиссияси синовидан ўтади. Урганч фабрикасидаги пилла ўраш автоматларини алмаштириш масаласи мана шу автомат Давлат комиссияси қабул қилгандан сўнг ҳал қилинади.

Эҳтиёт қисмлар сифатини оширишни кўзлаб Марғилон ремонт экспериментал механика заводи босма-кукунли металлургия технологиясини қўлланиб, деталлар ясашни ўзлаштирмоқда. Амалдаги стандарт талабларига мувофиқ ҳолда металл прокатидан эҳтиёт қисмлар ясашни таъминлаш ҳақида заводга кўрсатма берилди.

Пилла хом ашёси сифатига келсак, газета таъкидлаганидек, ҳақиқатан ҳам у автоматик равишда пилла ўрашнинг ҳозирги талабларига жавоб бермайди. Республика ҳукуматининг шу ҳақдаги кўрсатмалари бажарилмаяпти. 1963 йилдан буён республикада тутчиликка асосланган пилланинг янги истиқболли гибридлари йўқлиги оқибатида насл алмаштириш ўтказилмаяпти. Бракка чиқарилган пилланинг миқдори 10-15 процент даражада сақланиб қолмоқда. Пилланинг узилмай чиқадиган ипи узунлиги ўртача 350 метрни, ипак хом ашёси чиқиши 32-35 процентни ташкил қилади.

Министрлик Хоразм шойи ишлаб чиқариш бирлашмасига хўжалик юритишнинг янги шароитида ишлаб, техника-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашда бундан буён ҳам ёрдам кўрсатавериш бўйича конкрет тадбирларни белгиларди.

* * *

Худди шу мақолада Урганч пиллакашлик фабрикасининг комплекс бригадаси бошлиғи Р. Сандовнинг хом ашё сифати пастлиги ҳақида айтган сўзлари келтирилган эди. Ушбу масала хусусида Ўзбекистон ССР ДАВЛАТ АГРОСАНОАТ КОМИТЕТИдан Давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ССР министри И. Қурбонов имзоси билан расмий жавоб олинди:

— Комитет Р. Сандов мулоҳазаларини ўрганиб чиқиб, пилла шойиси сифатини янада яхшилаш зарурати ҳақидаги масала тўғри кўтарилган, деб ҳисоблайди.

Ҳозирги пайтда республика хўжаликларида парваришланаётган ипак қуртининг мураккаб дурагайи — «тетрагибрид-3» пилласи ўз технологик кўрсаткичлари билан саноатнинг юқори талабларига ҳақиқатан жавоб бермаяпти. Шу муносабат билан ипакчилик системасида навбатдаги насл алмаштиришга киришилди.

Республика олимлари ва селекционерлари ипак қуртининг бир қатор насл ва дурагайларини яратдилар. Улар пилланинг пировард маҳсули — ипак хом ашёси чиқиши бўй

• *Партия турмуши: қайта қуриш ва кадрлар*

БУРЧ УНУТИЛГАНДА

«Газетага ёзмоқчи эмасдим, лекин мажбур бўляпман, —деб бошлаган ўз шикоят хатини Қумқўрғон район «Пахтакор» кўнгилли спорт жамиятининг раиси Тилла Саидов. —**Мана бир неча ойдирки, оромимни йўқотдим. Кўз олдимда доим район агросаноат бирлашмасининг бошлиғи коммунист Шайдулла Жуманазаровнинг «Кет, йўқол кабинетимдан, ахмоқ экансан. Бор, кимга ва қаерга арз қилсанг қилавер!» деб дағдага қилаётгани келади. Ахир раҳбардан камтар, вазмин, одобли бўлиш талаб этилаётган ҳозирги даврда унинг қуюшқондан чиқиб, кишиларни ҳақорат қилишгача борши ахлоқимиз нормаларига бутунлай зид-ку. Нега уни ҳеч ким тергаб қўймаяпти...»**

Хўш, Жуманазаровнинг ўзи ким? У Қумқўрғон РАПОсининг раиси, район партия комитети бюросининг аъзоси. У Шеробод даштлари ўзлаштирилиб, Ленин йўли қўриқ районида ташкил этилгач, шу ердаги тўнғич хўжалик — Ленин номли совхозга директор этиб тайинланган эди. Аммо ичкиликка берилиб ўзини бадном қилди. Шундан кейин уни РАПОга ишга юборишга мажбур бўлишди. Жуманазаров янги вазифада бироз ишлагач, Қумқўрғон райони ташкил этилиб, район агросаноат бирлашмаси раиси қилиб тайинланди. Тўғри, дастлабки ойларда у ўзини фақат яхши томондан кўрсатди, одамлар ҳам уни маданиятли ва камтар раҳбар сифатида танидилар.

Бироқ кейинги икки йилда қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари эришган айрим ютуқлар, хусусан пахта тайёрлаш планларининг бажарилганлиги Жуманазаровнинг бошини айлантириб қўйди. Айниқса район партия комитети бюросига аъзо қилиб сайлангандан кейин бутунлай босар-тусарини билмай қолди. Одамлар билан муомалада ўзини қўпол тутадиган ва ҳатто ҳақорат қиладиган одат чиқарди. Қўл остидаги ходимлардан итоатгўйликни, лаганбардорлик ва хушомадгўйликни, биринчи шахс сифатида ўз мансаб мавқеига қуллуқ қилишни талаб қила бошлади. РАПОда хўжаликка раҳбарлик қилишда коллегиаллик йўқолди. Унинг ўрнини буйруқбозлик, қоғозбозлик эгаллади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленумида таъкидланганидек, бундай яроқсиз раҳбарлик услуби РАПОда танқид ва ўз-ўзини танқидга, ишда ошкораликка тоқатсизлик вазиятини вужудга келтирди. Коллектив фаолиятида демократик принципларнинг бузилишига олиб келди.

Яқинда бўлиб ўтган воқеа тафсилоти ҳам буни яққол тасдиқлади. Тилла Саидов — педагог. Ўз касбида 18 йил ишлагач, кейинги пайтларда саломатлиги ўқитувчилик касбига тўғри келмаганлиги сабабли бошқа соҳаларда ишлашга мажбур бўлди. Ҳозир эса район «Пахтакор» жамиятига хўжаликлардан тушадиган аъзолик бадали масаласига аниқлик киритиб, Ҳолли Чориев талаб қилганидек топшириқ ёзиб берди. Аммо Чориев мени яна бош бухгалтерга юборди. Қисқаси 22 кун (9 дан 31 октябргача) ана шундай сарсонлик-саргардон л и к д а ўтди. Иш битавермагач, РАПО бошлиғидан ўз ҳодимларига таъсир кўрсатиб, жамият ишини тезроқ битириб беришни илтимос қилиш учун 31 октябрь куни яна Жуманазаров ҳузурига бордим...»

Аммо Тилла Саидов одоб ва ахлоқ чегарасидан чиқмай, РАПОнинг мансабдор ходимлари ўз бурчларига масъулиятсизлик билан қараётганлигини тушунтира бошлаганида Жуманазаров унинг гапини охиригача эшитмади. Ўрнидан сакраб турди-да, қўлини пахса қилди: «Менинг ходимларимни қоралашга қандай ҳаққинг бор! Сен кимсан ўзинг! Бор, идорангга бир тийин ҳам ўтказдирмайман! Хоҳлаган жойингга бориб, шикоят қилавер! деди». Бу ҳам етмагандай раис ўз ўринбосарини, бош бухгалтерни ва секретарни зудлик билан хонасига чақириб, уларга «қарор чиқармангилар, хўжаликлар бунга бир тийин ҳам ўтказишмасин» деб қаттиқ тайинлади. Сўнгра Т. Саидовни кабинетидан ҳайдаб чиқарди. У ҳатто ўз қабулхонасида бегона одамлар, жумладан райижроком қошидаги гражданларни ишга жойлаштириш идорасининг бошлиғи коммунист Жума Бозоров ўтирганлигидан ҳам тортинмай, Саидовни қаттиқ ҳақорат қилди.

КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленумидаги докладида М. С. Горбачев баъзи раҳбарларнинг ўзларига бўйсинувчи кишиларнинг мустақил ҳаракатлари ва фикр юритишларини ёқтирмасликларини йўл қўйиб бўлмайдиган ҳодиса деб қоралади. Бу— партиямиз кўрсатмаси ва талаби. Т. Саидовнинг шикоят хатини текшириш жараёнида, гарчи Ш. Жуманазаров ўз қилмишларини тан олган бўлса-да, на Қумқўрғон район партия комитети ва на район Совети ижроия комитети раҳбарлари содир бўлган ҳунук воқеага принципиал баҳо бердилар. Ш. Жуманазаров ўз қилмишига яраша жазо олмай қолди.

Биз бу ҳунук воқеа тафсилоти билан танишар эканмиз, РАПО раисининг бошланғич партия ташкилотидаги ўрни ва ролини ҳам ўрганишимизга тўғри келди. Шунда КПСС Уставида алоҳида қайд этилган партияда барча коммунистлар учун, уларнинг хизмати ва эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар бир интизом, бир қонун бор, деган кўрсатма беихтиёр эсга келди. Хўш, Ш. Жуманазаров коммунист сифатида ўз партия ташкилоти фаолиятида қандай иштирок этяпти? Бу соҳада ҳам коммунист Жуманазаров бир қатор жиддий нуқсонларга йўл қўяётгани маълум бўлди. Манмансираш ва ўз шахсини устун қўйиш унинг партиявий бурчни унутишига, партия ташкилотини менсимай қўйишига олиб келди. Ш. Жуманазаров партия йиғилишларига истаган пайтида келиб, истамаган пайтида эса гарчи йиғилиш давом этаётган бўлса-да, бемалол уни ташлаб чиқиб кетадиган, баъзан эса ҳатто йиғилишга келмайдиган бўлиб қолди. Масалан, ўтган йили 24 октябрда РАПО коммунистларининг йиғилишида «КПСС XXVII съезди талаблари асосида идеология ишининг самарадорлигини янада ошириш юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ш пленумининг қарори асосида партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида»ги масала муҳокама қилинаётган пайтда Жуманазаров «Область агросаноат комитетида ишим бор», деб кетиб қолди. Бу йиғилишда район партия комитетидан ҳам ҳеч ким иштирок этмади. Муҳим масалага шу тарзда юзаки ёндашиш натижасида йиғилиш ғоят юзаки, газетада босилган пленум қарорини ўқиб бериш, номигагина ёзилган «доклад»ни протоколга тикиб қўйиш билан якунланди.

Бошланғич партия ташкилоти Ш. Жуманазаровга қандай партия топшириғи берганлиги ва бу топшириқнинг ижроси билан ҳам қизиқдик. Маълум бўлишича, коммунист Ш. Жуманазаровга партия йиғилишларида коммунистларнинг тўлиқ иштирокини таъминлаш вазифаси юкланган экан. Ажабо, партия йиғилишида мунтазам иштирок этмайдиган коммунист қандай қилиб бошқалардан бу ишни талаб қила олади? Текшириш жараёнида Ш. Жуманазаровнинг партия аъзолик бадалларини вақтида тўламай Устав қоидаларини қўпол тарзда бузиб келаётганлиги ҳам маълум бўлди. Масалан, у ўтган йилнинг сентябрь ойи учун аъзолик бадалини шу ой охирида тўлаш ўрнига октябрь ойи билан қўшиб, икки ойлик бадални бир қилиб тўлаган. Шунда ҳам у партия ташкилотининг қистови ва бир неча бор огоҳлантиришидан кейингина тўлаган.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, партиявий интизомни бузиш РАПОдаги бошқа коммунистлар учун ҳам оддий ҳол бўлиб қолмоқда. Масалан, РАПО раисининг молия ишлари бўйича ўринбосари Ҳолли Чориев партия аъзолигига кандидатлик даврида партия топшириғини бажармаган эди. Шундай бўлса-да у партия аъзолигига қабул қилинди. Кейинчалик эса йил давомида қарыб 861 сўм мукофот пулини аъзолик бадали тўлаш пайтида ушириб қолди. РАПОнинг бош ер тузувчи мутахассиси Қ. Норқобилов ҳам олган 600 сўм мукофот пули ҳисобидан аъзолик бадали тўламади. Район партия комитети ходимлари бундай ҳоллардан кўз юмиб ўтаётганлиги бориб турган принципсизлик-ку ахир!

— Жуманазаров енгилтак, ҳаддан ташқари қўпол, ҳеч кимни менсимайди, — деди суҳбат пайтида партия ташкилотининг секретари Р. Инсопова. —Айниқса у бажариб турган вазифаси тақозоси билан райижроком раисининг биринчи ўринбосари лавозимини ҳам эгаллагач ва райком бюроси аъзолигига сайлангач, босар-тусарини билмай қолди, бюрократлашиб кетди.

—Яқинда РАПОда гражданларни қабул қилиш ва меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятлари билан ишлашнинг аҳволи ҳақидаги масалани ўрганиб комитет мажлисида муҳокама қилмоқчи эдик, — деди район халқ контроли комитети раиси Э. Хатамов. —Аммо РАПОдан биз йиғилишга чақирган — ариза ва шикоятларга дахлдор кишиларни Ш. Жуманазаров атайин бошқа ишлар билан турли хўжаликларга жўнатиб юборди. Шу тариқа мажлисни бир неча марта қолдиришга тўғри келди. Комитет талабига Жуманазаров «Одамларимиз мажлисингизга бормайди, ишларинг бўлса ўзларинг келиб, шу ерда муҳокама қила қолинглар», дейди.

Район миқёсидаги йирик ташкилотда маънавий муҳит шу тарзда бузилганлиги, раҳбарнинг манмансираб, тўралашиб кетгани ва бу ҳолат бутун коллективга салбий таъсир ўтказаётгани ҳеч кимни ташвишга солмаяпти. Бошланғич партия ташкилоти маъмурият фаолиятини контрол қилиб боришдан ўзини четга олмоқда. Партия ташкилоти ўз ишини қайта қуришга киришмаяпти. Камчиликларга қарши курашда принципаллик ва ҳужумкорлик кўрсатмаяпти. Партия бюроси аъзолари ва унинг секретари Р. Инсопова ишчанлик, уюшқоқлик ва интизомни қарор топтириш аввало ўзларига боғлиқ эканлигини, танқид ва ўз-ўзини танқид, ошкора, рўйрост сўзлашиш бўлмаган жойда тилёғламалик, лаганбардорлик, хушомадгўйлик авж олишини унутиб қўйдилар. Ҳолбуки РАПОда ҳозир ҳудди ана шундай иллатлар илдиз отмоқда. Бунга юқорида айтилган воқеа мисол бўла олади.

Район партия комитети ва район Совети ижроия комитети раҳбарлари ҳам РАПОда вужудга келган носоғлом вазият билан муроса қилиб келаётганликлари кишини таажжубга солади. Ш. Жуманазаровнинг РАПО раиси ва райком бюроси аъзоси сифатидаги фаолияти бирор марта ҳам муҳокама қилинмади.

КПСС Марказий Комитети январь Пленуми бюрократизмга қарши қаттиқ кураш олиб бориш зарурлигини уқтирди. Чунки бюрократизм ҳаётимизни тубдан қайта қуриш вазифасини ҳал этиш йўлидаги жиддий ғовдир. Қумқўрғон РАПОсида вужудга келган аҳволдан район партия комитети жиддий хулоса чиқариб олмоғи зарур.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• *ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ*

АНЖУМАН АРАФАСИДА

Москвада ўтказиладиган «Ядросиз дунё учун, инсониятнинг омон қолиши учун» халқаро анжуманининг матбуот конференциясида 12 февраль куни совет ва чет эл журналистлари учун биринчи брифинг бўлди.

Матбуот марказининг раҳбари К. А. Хачатуров қўйидагиларни маълум қилди. Матбуот маркази маълумотларига кўра, ҳозирги кунгача 906 ажнабий вакил анжуманда қатнашиш истагини билдирди. Душанба куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг анжуман қатнашчилари билан учрашуви ўтказилади.

14—16 февраль кунлари бўладиган анжуманга тайёргарлик тартибида Москвада жамоатчилик фикри сўрови ўтказилди. СССР Фанлар академияси социологик тадқиқотлар институтининг директори В. Н. Иванов 12 февраль куни СССР Ташқи ишлар министрлигининг матбуот марказидаги брифингда шу сўров якунларини маълум қилди.

Савол-жавобда қатнашганлар олдига ядро уруши, ядровий қуролсизланиш ва ядросиз дунё проблемалари хусусидаги актуал саволлар қўйилди, деди у. Анкетадаги 15 та савол совет кишиларига биринчи марта берилди. Шу саволлардан 6 таси «Миллатнинг кун тартиби» фонди 80-йилларнинг ўрталарида ўтказган сўров давомида америкаликларга берилган саволлардан иборат эди.

Пойтахтнинг учта районида 25 та объектда 1066 киши билан савол-жавоб ўтказилди. Брифингда анкета саволларига қайтарилган жавобларнинг тақсимланиш жадвали тарқатилди.

Бу тадқиқотни мазкур мавзудаги синов тажрибаси, деб билмоқ керак, деди В. Н. Иванов. Социологик тадқиқотлар институтида ўтказилаётган методик ишланмани ва ташқи сиёсат мавзуидаги халқаро қиёсий сўровларнинг натижаларини ишлаб чиқиш соҳасидаги ишларни давом эттириш муҳимдир.

(ТАСС).

ДЎСТЛИК КЎПРИГИ

Афғонистоннинг Кобул вилоятидаги тоғ қишлоғида ҳатто кексалар ҳам бундай кучли бўроннинг илгари юз берганлигини эслай олишмайди. Шиддатли шамол уйларнинг томларини учириб кетиб, азим дарахтларни қўпориб ташлади. Дарё ҳам қаттиқ тўлқинланиб, тошиб кетди. Қишлоқни катта йўл билан боғлаб турган эски кўприк сувнинг кучли тазйиқига бардош беролмай, қулаб тушди. Одамларнинг ташқи дунё билан алоқаси узилиб қолди.

Воқеа содир бўлган жойга катта лейтенант Д. Козел бошчилигидаги совет жангчилари группаси етиб келди. Аскарлар жўшқин дарёдан ўтиб, зарар кўрган уйларни тиклашда, посёлкани емирилган иморатларнинг бўлакларидан тозалашда кўмаклашдилар. Шундан сўнг, янги кўприк қуришга киришишди. Қишлоқ аҳолиси аскарларга ёрдамлашди. Тез орада асов дарё орқали ишончли ўтиш жойи қишлоқни катта йўл билан туташтирди. Деҳқонлар уни «Дўстлик кўприги» деб аташди.

А. НИКОНЕНКО,
ТАСС мухбири.

АДРдаги Совет қўшинлари чекланган контингенти.

АҚШНИНГ НАВБАТДАГИ ЯДРО ПОРТЛАТИШИ

Вашингтон, 12 февраль. ТАСС мухбири Олег Поляковский хабар қилади: Қўшма Штатлар Америка ва жаҳон жамоатчилигининг ядро портлатишларига чек қўйиш тўғрисидаги талабларини назар-писанд қилмай, чоршанба куни шу йил иккинчи бор ядро қуролини синаб кўрди. Невададаги полигонда «Торнеро» деган шартли ном билан ўтказилган портлатиш қуввати 20 килотоннагача борди, деб хабар қилди АҚШ энергетика министрлигининг расмий вакили.

Рейган маъмурияти Невададаги полигон яқинида норозилик намойишларига йўл қўймаслик учун бу йил иккинчи марта ядро синовларини белгиланган муддатлардан олдин ўтказмоқда. Чунончи, аввалги портлатишлар планлаштириб қўйилганидек, бешинчи февралда эмас, балки учинчи февралда ўтказилди. Ушанда АҚШнинг барча томонларидан жамоатчилик вакиллари маъмурият авж олдираётган ядровий қуролланиш пойгасига қатъий норозилик билдириш учун Невадага келишлари керак эди. Шундай бўлса-да, улар намойиш ўтказдилар. Намойиш қатнашчиларидан 438 киши қамоққа олинди.

Бу сафарги портлатиш эса мўлжалланган муддатдан бир кун илгари ўтказилди.

«Рейган маъмурияти совет мораторийсига қўшилиш имкониятидан воз кечиб, жамоатчилик талабларини мутлақо писанд қилмаётганлигини кўрсатди», — деб ўқтирди «Тинчлик учун курашувчи қояли тоғлар маркази» ташкилотининг активларидан бири Чет Чозеуски. Невададаги портлатишлар бутун инсониятга дағдағадир, деди халқаро «Гринпис» ташкилотининг вакили.

АҚШда жамоатчилик фикрини билиш мақсадида ўтказилаётган савол-жавоблар америкаликларнинг ғоят катта кўпчилиги ядро синовлари тўхтатилиши учун курашаётганлигини кўрсатмоқда. «Инсониятни йўқ қилиб ташлаш хавфини солаётган ядро қуроли синовларини тўхтатиш қуролланиш пойгаси устидан ғалаба қозонишнинг бирдан-бир усулидир», —деди калифорниялик ўқитувчи Рут Энн Уайт «Ю-эс-эй тудей» газетаси мухбирига. Бу газета америкаликлар ўртасида Невададаги синовларга қандай муносабатда эканликлари тўғрисида оддий сўров ўтказган эди. «АҚШ Невада-да қилаётган иш нотўғридир. Биз ҳақиқатан ҳам қуроллароғлар устидан контроллиқни истаётган эканмиз, бас, энди ҳеч қандай синовлар ўтказилмасин, деб айтишимиз керак», —деб таъкидлади Мичиган штатидан Рой Спон. Нью-Йорклик инженер Кристофер Коронеос: «Ядро портлатишларини тақиқлаш ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатишга ғоят катта ҳисса қўшган бўлур эди», деди.

ЖАҲОН АҲЛИ ҚАТЪИЙ НОРОЗИ

Невада штатининг полигонида чоршанба куни ўтказилган навбатдаги, бу йилги иккинчи ядро портлатиши бутун дунёда жуда қаттиқ норозиликларга сабаб бўлди. Жамоат ва сиёсат арбоблари, оммавий ахборот воситалари Вашингтон маъмуриятининг милитаристик программаларини амалга оширишдаги қайсарлигини «изчил телбалик» деб атамоқдалар. Ҳозир совет ядро полигонларидаги жимжитлик ва Невада ер остини ларзага келтираётган портлатишлар тинчлик кучлари билан уруш кучлари ўртасидаги кескин тафовутни ҳар қачонгилик ҳам аниқ белгилаб турибди.

ВАШИНГТОН. Чоршанба куни Невадада ўтказилган ядро портлатиши Рейган маъмуриятининг Ер юзидаги барча халқларга даҳдағасидир, деди «Америкэн пис тест» деб аталган урушга қарши ташкилот вакили Синтия Уилсон ТАСС мухбирига. Оқ уй тинчлик тарафдорларининг норозиликларидан чўчиб, синов муддатларини пинҳона ўзгартираётганлиги диққатга сазовордир, деб таъкидлади у. Уилсоннинг айтишича, Невададаги шу ташкилотнинг бир гуруҳ активлари яқин кунларда Вашингтонга йўл олиб, АҚШ пойтахтида ядро портлатишларига қарши чиқади ва қуролланиш пойгасини лаънатлайди.

ТОКИО. Японияда Хиросима шаҳрининг мэри Такэси Араки АҚШнинг янги ядро портлатишини: «Халқларнинг ядросиз дунёга интилишини поймол этадиган ва қуролланиш пойгасига қамчи босадиган қўпол иш», деб таърифлади. «Атом бомбардимони даҳшатларига биринчи бўлиб дуч келган шаҳримиз аҳолиси номидан кескин норозилик билдираман. АҚШнинг хатти-ҳаракатлари мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган бемаънилиқдир», дейилади бугун мэрнинг Японияда АҚШ элчихонасига йўллаган телеграммасида. Биз Америка маъмуриятидан ядро синовларини дарҳол тўхтатишни ва ўз сиёсатида муҳолифликдан мулоқотга тарихий бурилиш қилиб, шу тариқа ядро хавфини абадий тўхтатишни қатъиян талаб қиламиз, деб таъкидлади Хиросима мэри.

САВДО КОМПЛЕКСИ

Лола автостанциясини Наманган шаҳрининг шарқий дарвозаси дейиш мумкин. Чунки Андижондан келган йўлларнинг ҳаммаси ана шу ерда туташиб, шаҳарнинг Ленин проспектини ҳосил қилади. Шаҳарни қишлоқдан ажратиб турувчи айланма йўл ҳам шу ердан бошланади. Шунинг учун бу ер доимо гавжум.

Яқинда шу ерда савдо маркази қурилиб, иш бошлади. Савдо майдонининг ўзи 2700 квадрат метр. Унинг ўн иккита бўлимида 60 нафар савдо ходими харидорларга хизмат кўрсатмоқда. Бу ердаги ҳамма бўлим ўз-ўзига хизмат усулида ишлайди. Товарлар ғоят дид билан қўйилган. Мижозлар истаган нарсаларини яқиндан кўриб, танлаб олишлари мумкин. Харидор оғир ёки катта ҳажмли буюмлар харид қилса, шу ерда ташкил этилган автотранспорт хизмати унинг мушкулини осон қилади. Савдо ходимлари шаҳар ва қишлоқ магазинлари билан ҳамкорлик қилиб турадилар. Масалан, шаҳарда камёб ҳисобланган у ёки бу товар районнинг қайси бир чекка-сидаги магазинда тўпланиб қолса, у эҳтиёж туғилган жойларга товар айирбошлаш йўли билан етказиб берилади. Бунинг учун ҳафтанинг дам олиш кунларида уюштирилаётган ярмаркалар ғоят қўл келмоқда.

Ш. ХОЛМИРЗАЕВ.

СССР КАСАБА СОЮЗЛАРИ XVIII СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТИ

Хантбой Маткаримов 20 йилдан зиёд вақтдан бери Янгибозор районидаги Куйбишев номли колхозда механизатор бўлиб ишламоқда.

Моҳир дала гвардиячиси қишлоқ Советининг депутати сифатида меҳнаткашларнинг иш ва турмуш шароитларини яхшилашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Яқинда колхоз аъзолари Х. Маткаримовга юксак ишонч билдириб, уни СССР Касаба союзларининг XVIII съездига делегат қилиб сайладилар.

Суратда: Хантбой Маткаримов ўғли Зоҳид билан.

Қ. Отаев фотоси (ЎзТАГ).

• *Гиёҳвандлик—жирканч иллат*

Инсон соғлиғи билан ўйнашманг

Яқинда биз «Бухоро—1» темир йўл станцияси ҳузуридаги ички ишлар бўлимида бўлдик. Мақсад бу ердаги милиция ходимларининг гиёҳвандликка қарши қандай кураш олиб бориша-ётгани билан танишиш эди. Бўлим ходими В. Синегубов қалин китобни сейфидан чиқариб, қўлимизга тутқазди.

Ташқи кўринишидан оилавий фотосуратлар альбомига ўхшаб кетадиган бу китобни варақлар экансан, қора дорига мазахўрак бўлган сузик кўзлар, қийшайган башараларни кўриб, беихтиёр жирканиб кетасан киши. Унга турли йўналишлар бўйлаб ҳаракат қиладиган поездларда қўлга олинган шундай нусхалардан бир нечасининг сурати ёпиштирилганди. Ўтган йили бундай шахслардан қарийб 100 килограмм кўкнори, 3 килограмм наша топиб олинди.

Фотосуратлар остидаги ёзувларга назар ташлаймиз. Уларнинг кўпчилигидаги бир умумийлик диққатимизни жалб қилди. Наша ва кўкнори сотувчиларнинг кўпчилиги Фарғона водийсидан Туркманистон сари сафарга чиқишган.

— Бунинг сабаби нима? —дея суриштирамиз Владимир Николаевичдан.

— Ҳамма гап шундаки, станциямиз Туркманистон йўлида жойлашган. Фарғона водийсидаги хуфёна бозорларда килограмми 50 сўм турадиган кўкнорини у ёқда 400 сўмдан пуллаш мумкин. Кишилар саломатлигига зарар етказиш ҳисобига бойлиқ орттиришга шайланган пасткаш шахслар буни яхши билишади. Бундай кимсаларнинг пайини қирқмагунча қўймаймиз.

Ҳунук нусхаларга яна бир карра назар ташлаймиз. Қисиқ кўзларини фотообъективга безбетлик билан қадаб турган Асад Юнусов энди йигирма олти ёшга кирган. Қўқон шаҳридаги Орипов кўчасидаги 27-уйда истиқомат қилган бу шахс ҳеч қаерда ишламай, заҳардан бойлик орттирмоқчи бўлди. Ўтган йилнинг 10 октябрида у 850 грамм қорадори билан қўлга тушди. Буни у 30 минг сўмга пуллаб, юзлаб кишиларнинг ёстиғини қуритиши мумкин эди.

А. Юнусов ҳали ёш йигит бўлса, фарғоналик Али Йўлдошев саксондан ошган қария. Лекин уларни бир хил мақсад, яъни мол-дунёга ҳирс бирлаштиради. Ўтган йилнинг январида Йўлдошев афюн сотувчилиги учун қора курсига ўтирган эди. Аммо Қўқон шаҳар халқ суди унинг кўксига тушиб турган оқ соқолини инобатга олиб, уч йил шартли равишда озодликдан маҳрум қилиш билан чекланди. «Ўрганган кўнгил ўртанса қуймас» деганларидек, Али Йўлдошев бундан тегишли хулоса чиқармади. Ёш ҳамкасби А. Юнусовдан бир кун кейин «Бухоро—1» станциясида қўлга олинди. Қоғон шаҳар халқ суди уларнинг иккаласига ҳам қилмишига яраша жазо берди.

Ички ишлар органлари ўтказаётган рейдлар поездларда изғиб юрган бундай кимсалар камаймаётганини кўрсатмоқда... Бухоро область ижроия комитети ички ишлар бошқармасидан олинган маълумотга кўра, ўтган йилнинг биринчи ярмида гиёҳвандлик билан алоқадор жиноятлар содир бўлган. Туркманистон ССР билан чегарадош Олот районида бу соҳадаги ҳозирги аҳвол билан танишдик.

Район прокуратураси ва ички ишлар бўлимидан олинган маълумотларга кўра, гиёҳвандликка мубтало бўлган кишилар рўйхатга олинган. Бир неча кишилар наркотик моддалар етиштиргани учун жавобгарликка тортилган. Шу жумладан, икки киши почта орқали наша жўнатишга уринган пайтида қўлга тушган.

Ўтган йилнинг баҳорги экиш даврида ҳамма жойда оммавий текширишлар ўтказилди. Районнинг «Шарқ юлдузи», Ленин номли, Энгельс номли, Крупская номли, Калинин номли, «Ленинград», «Ленин йўли» колхозлари», «Янги ҳаёт» совхозида шахсий томорқаларда кўкнори экиш ҳоллари аниқланди. Умуман район бўйича 3 минг квадрат метр майдонга кўкнори экилган экан.

Район партия комитети зудлик билан гиёҳвандликка қарши курашни ташкил этишдаги жиддий камчиликлар масаласини бюро йиғилиши кун тартибига қўйди. Бу ҳодисага лоқайдлик билан муносабатда бўлаётган маъмурий органлар ходимлари, қишлоқ Советлари ижроия комитетлари раҳбарлари фаолиятига принципиал баҳо берилди. Денов қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси М. Сайфуллаевга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинди.

Бюро мажлиси маъмурий органлар, халқ депутатлари, хўжалик раҳбарлари, партия ходимлари куч-ғайратини бирлаштириб, гиёҳвандликка қарши курашни кенг фронт бўйлаб олиб боришнинг сиёсий-ташкилий тадбирлар комплексини тасдиқлади. Уларни амалга ошириш жараёнида бу соҳадаги жиддий камчилик ва нуқсонлар аён бўлиб қолди.

Гиёҳвандлик каби жирканч иллатга айрим коммунистлар ҳам йўлиқишган экан. Текширишларнинг бирида Энгельс номли колхозда коммунист М. Холлиев ҳонадонида 44 квадрат метр майдонда кўкнори етиштирилаётгани аниқланди. Сири фош этилган М. Холлиев ҳам жиноий, ҳам партиявий жазодан қутулиш мақсадида айбни хотинига тўнкади.

Ёш коммунист, район комсомол комитетининг биринчи секретари Н. Неъматов билан бир хонадонда истиқомат қилувчи отаси ҳовлидаги томорқанинг 0,02 гектарига кўкнори эккан. Коммунист ўғил оммавий рейд натижасида аниқланган бу фактдан, ҳатто ўз бошланғич партия ташкилотини ҳам хабардор қилмаган. «Ёпиқлиқ қозон ёпиқличча қолади» деб умид қилган. Факт ошкор бўлгач, гуллаб турган кўкнорини кўрмадим дея баҳона қилган.

Бошланғич партия ташкилоти Н. Неъматовга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилди. Район комсомол комитетининг пленуми эса ўз отасига таъсир кўрсата олмаган коммунистни каттиқ жазолади. У район комсомол комитетининг бюро аъзоси ва биринчи секретари вазифаларидан озод қилинди.

Бошланғич партия ташкилоти у кўрсатган «важ»ларга гўё ишонган бўлиб, қаттиқ виговор бериш билан чекланди. Райком бюроси партия комиссияси тақдим қилган материаллар асосида М. Холлиев масаласини қайта кўриб чиқди. У партия сафидан ўчирилди. Умуман, ўтган йили районда тўрт коммунист шундай иллатга мубтало бўлганлиги учун КПСС сафидан чиқарилди.

Районда истиқболли ёшлардан бири деб ҳисоблаб келинган Н. Неъматовнинг тақдири бошқа айрим коммунистларни ҳам сергак қилиб қўйди. Энди улар ўз атрофларида содир бўлаётган воқеаларга ҳушёр қарайдиган бўлиб қолишди. Гиёҳвандлик касалига йўлиққан кишилар тўғрисида сигналлар кўпайди. Гиёҳвандликка муросасизлик натижасида ўтган йили районда содир бўлган хавфли жиноятлар бундан олдинги йилга нисбатан камайди.

Айни маҳалда район жамоатчилиги партия комитетининг раҳбарлиги остида янги оммавий рейдларга ҳозирлик кўрмоқда. Чунки баҳор бошланиши билан ҳали панада писиб ётган кўкнори етиштирувчилар ва истеъмолчилар бош кўтариб қолишлари мумкин.

... Афсуски, гиёҳвандлик областнинг фақат Олот районидагина кўп учрайдиган иллат эмас. Бухоро шаҳри, Вобкент, Свердлов, Когон районларида ҳам банг тутунига маст бўлиб юрган шахслар анча-мунча. Бироқ шаҳар ва район партия комителари бунга қарши жиддий кураш олиб боришмаяпти.

Айниқса, маъмурий органлар, адлия ходимлари аҳоли ўртасида профилактик ишларни кучайтиришлари яхши самара беради. Участка инспекторлари, маҳалла комитетлари, қишлоқ Советларининг ижроия комитетлари ўз территорияларидаги ҳақиқий аҳволдан бехабар юрмасликлари керак. Бу иллатга қарши кураш изчилликни талаб қилади.

Н. НАИМОВ.

• *Интернационализм — байроғимиз*

ШАКУФАНИНГ ИЛК МАКТУБИ

Тошкентдаги 72-ўрта мактабнинг 2-синф ўқувчиси Шакуфа Шендрик Афғонистон Демократик Республикасининг Тошкентдаги бош консулхонасига мактуб билан келди. Унда шундай дейилади:

«Қадрли Нажиб амаки!

Биз ойим билан Афғонистондан жўнаб кетганимизда мен жуда кичкина эдим. Ҳадемай саккиз ёшга тўламан. Энди мен дунёда ғамалам, отишмалар, очликдан ташқари осудалик, гўзаллик борлигини, яхшилик мавжудлигини биламан. Мен яна шуни биламанки, бизнинг Афғонистонимиз гўзал мамлакат ва уни эҳтиётлаш керак. Бу ҳақда менга онам ҳикоя қилиб берди. Мен мамлакатим узра ўқ овозлари тинганлигини билганимдан сўнг қувончдан йиғлаб юбордим.

Нажиб амаки ва ҳамма катта амакилар, мен Сизлардан ўзимизнинг гўзал диёримизда осудалик бўлиши учун, барча болалар бахтиёр яшашлари ва ўз ота-оналаридан жудо бўлмасликлари учун ҳамма ишни қилишларингизни ўтиниб сўрайман. Мен эса Сизларга фақат аъло ўқишга ва катта бўлгач, Сизларга Ватанимиз учун яхши ишлар қилишда, албатта, ёрдам беришга ваъда бераман».

Шакуфа Афғонистон Халқ-Демократик партияси Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Нажибга мактуб билан бирга ўзи чизган суратни ҳам юборди. Унда гуллар билан ўралган Ер устида кўтарилаётган улкан қуёш тасвирланган эди.

Миллати пушту бўлган Шакуфа Совет Иттифоқига икки йил муқаддам келган эди. Оғир хасталикка дучор бўлган қизчани совет ўқитувчиси, украин Зоя Владимировна Шендрик фарзанд қилиб олди. З. В. Шендрик ўшанда Афғонистондаги Жалолобод ҳунар-техника билим юртида дарс берарди.

Дарҳақиқат, қизча бошидан даҳшатли воқеаларни кечирган эди. Душманлар унинг кўз олдида ота-онасини ўлдирдилар. Совет жангчилари Шакуфани Қандаҳор ёнидаги қуйиб кул бўлган қишлоқдан топиб олдилар. Уни Кобулдаги болалар етимхонасига бир ҳолатда олиб келишди.

— Мен болалар кўзида бунчалик кўп ғам-андуҳни ҳеч қачон кўрмаган эдим,— дейди Зоя Владимировна ўзининг Шакуфа билан биринчи учрашувини эслаб. У бу қизалоқни қандай қилиб тезроқ оёққа турғазиш ва унга қувонч бағишлаш тўғрисида ўйга толди. Олти ёшли Зоя Улуғ Ватан уруши йилларида Ростов-Дон яқинидаги Миллерово шаҳрида фашист оккупацияси даҳшатларини кўрди. Мўъжиза бўлиб ҳалокатдан омон қолди. Шунинг учун ҳам зулм ва зўрликка бўлган қаҳр-ғазаб унинг бутун ҳаётига муҳрланиб қолган.

Йигирма беш йил стажли педагог қизни ўз фарзандидек оқ ювиб, оқ таради. Зоя Владимировнанинг уч ўғли — Павел, Володя ва Сережалар Шакуфани туғишган сингилларидай қабул қилишди.

Врачлар ва мактаб ўқитувчилари қизчага қўлларидан келганча ёрдам бердилар. Ҳозир Шакуфа ўзини бардам ҳис қилмоқда. У меҳнатсевар, синфдаги энг яхши ўқувчилардан бири. Кўп ўқийди, расм чизишни яхши кўради. Шифокор бўлиб етишишни орзу қилади.

Суратда: Павел, Шакуфа ва Зоя Владимировна.

Р. ШАГАЕВ фотоси (ЎзТАГ).

• *Спорт* • *Шахмат бурчаги*

КАРПОВМИ ЁКИ СОКОЛОВ?

Февраль ойнинг иккинчи ярмидан тож даъвогарлари Анатолий Карпов билан Андрей Соколов ўртасида ҳал қилувчи матч бошланади. Баҳслар Испаниянинг Линнарес шаҳрида ўтказилиб, 16 партиядан иборат бўлади. Матч ғолиби шахмат тожи учун шу йил кузда жаҳон чемпиони Г. Каспаров билан дона суради.

Мусобақа арафасида ҳар иккала шахматчининг имкониятларини чамалаб кўрайлик. Карпов билан Соколов москвалик ҳамшаҳарларгина бўлиб қолмай, клубдош ҳамдирлар. Ҳар иккиси ҳам Марказий армия спорт клуби шарафини ҳимоя қилади. Соколов жаҳон чемпиони Г. Каспаровнинг тенгдоши, яъни 23 ёшда бўлса, собиқ чемпион ундан 12 ёш каттадир.

Карповнинг шахмат оламидаги довруғи ҳаммага аён. У 12 йил мобайнида шиддатли парвоз этди. 1974 йили даъвогарлар матчида аввал Л. Полугаевский, кейин Б. Спасский ва финалда В. Корчнойдан устун келиб, жаҳон биринчилиги учун яккама-якка курашиш имкониятига эга бўлди. Орадан бир йил ўтгач 24 баҳорни кўрган А. Карпов жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди ва уни ўн йил мобайнида муваффақиятли ҳимоя қила олди.

Карпов позицион тарзда ўйин юритиш санъати, юксак техник имкониятлари билан ажралиб туради. У мудофаада қатъиятли ва жанговардир.

Энди Каспаров билан яна «жанг» қилиш учун Карповга Соколов билан бўладиган баҳсда устун келиши керак бўлади. Албатта, Карповнинг бу рақобатчиси кўп танилмаган бўлса-да, кўпчиликни мамнун этаётган шахматчилардан бири. Соколов менинг кўз ўнгимда улғайиб, маҳорат касб этди, десам ҳам бўлади. Мен уни 1978 йили СССР команда биринчилигида, Оржоникидзе шаҳрида учратган эдим. Ўшанда у эндигина 15 ёшда эди. Биз у билан «Труд» клуби учун баҳс юритганмиз. Соколовнинг Бутуниттифоқ майдонидаги илк қадами осон бўлмади. Чунки у билан дона суришганлар, ёши катта ва тажрибали шахматчилар эди. Бошида бу камсуқум йигит кўпроқ дурангни ўзига маъқул кўрди. Учрашув охирида эса мағлубият аламини тортди. Зеро бундай ютқазиш абжир шахмат ихлосмандининг шаштини қайтаролмади.

1981 йилнинг баҳорида «Москва кичик чемпионати» ғолиби бўлди. «Катта чемпионат» эса очиқ бўлиб, турли мамлакатлардан гроссмейстерлар ҳам қатнашди. Гарчанд Андрей ўйинлар жадвалининг иккинчи ярмидан жой олган бўлса-да Рафаэль Ваганян билан Александр Панченко сингари гроссмейстерлардан илгарилаб, эътибор қозонди.

1982 йилдан бошлаб Андрей халқаро учрашувларда дона сура бошлади. У ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони бўлиб, халқаро мастер унвонига лойиқ кўрилди. Орадан икки йил ўтар-ўтмас, Соколовнинг СССР чемпиони номига сазовор бўлиши кўпчиликни қувонтирди.

Бир қарашда Андрейнинг шахмат йўли текисга ўхшайди. Лекин муваффақиятсизликлар ҳам бўлган. Москва шахматчиларига устозлик қилган йиллар сездимки, Андрей команда биринчилигида омадсиз ўйнайди. Аммо шахсий баҳсларда бой берган ўйинлар ўрнини тўлдиришга астойдил ҳаракат қилади. Ўтган йил Соколов учун айниқса муваффақиятли бўлди. Албатта, тажрибали Ваганян билан учрашувда матч ўйинларига хос усуллар кўзга ташланмаган бўлса-да, йирик ҳисоб—6:2 билан ғалаба қозонишга эришди. Аммо Артур Юсупов билан учрашув осон бўлмади. Кўзда тутилган учрашувларнинг ярмидан кўпида қуловчи ролини ўйнади.

Шундай қилиб, биз икки шахматчининг имкониятлари билан танишдик. Жоиз бўлса, уларни муз ва ўт, дейиш мумкин. Сўзсиз кўпчилик мутахассислар Карповнинг имкониятларини юқори баҳолайдилар. Албатта, Карпов Карповлигича қолади. Шунга қарамай, собиқ жаҳон чемпиони учун Соколов билан бўлажак баҳс осон кечади, дейиш ҳам қийин. Чунки Соколовдан: «Ким билан — Каспаров ёки Карпов билан ўйнаш осон бўларкин?», — деб сўрашганда у: «Барибир мақсадга эришиш йўлида уларнинг ҳар иккиси билан баҳс юритишга тўғри келади», — деб жавоб берди.

А. СУЭТИН,
халқаро гроссмейстер, АПН шахмат шарҳловчиси.

ОЧМАС ПИЁДАЛИ ПОТ

Халқаро арбитр М. МУҲИДДИНОВ бошқаради.

Қуйида Е. Н. Насимович тузган ва 1939 йили «64» газетасида соврин олган этюд акс эттирилган бўлиб, шарти —оқлар бошлаб дурангга эришади.



Қандай қилиб? Қоралар деярли бир фарзин ортиғ-а?!

Шахматнинг шуниси қизиқда: икки карра иккидан беш ясаш санъати мавжуд. Лекин бу осон иш эмас!

1. Лb7 — e7 Фg7:e5.

Ҳужумга ўтилди. 2. Ф:b2 Х хавфи туғилди.

2. f7 — f8Ф+ Крf1 — g1 3. c2—c3 Фe5—e1+ 4. Сg6—b1 Фe1:c3!

Бу фарзин қурбонига оқлар барча сипоҳларини қурбон қилиш билан жавоб беради (5.bc? бўлса, 5... С:c3Х).

5. Лe7—g7+! Ch8:g7 6. Фf8—f1+! Крg1:f1

7. Cb1—d3+! Крf1—c1!

7...Ф:d3 бўлса — пот (очмас пиёдали биринчи пот).

8. b2:c3 Крe1—d2!

Нафақат филни олиш, балки 9... Крc1 сўнгра 10... С:c3Х хавфи ҳам туғдирилди.

9. Cd3—c2!

Фил жон-жаҳди билан «пичоққа бўйин тутмоқда».

9...Кр:c2 га очмас пиёдали иккинчи пот юз берди. 9..Крd2—c1 10.Сc2—b3!

Фил учинчи марта қурбон қилиняпти ва уни олиш — 10...Сe6:b3 очмас пиёдали учинчи пот ҳолатини барпо қилади.

Айрим шахмат композиторларининг фикрича, бу энг яхши этюдларимиздан биридир. Яхши этюдлар кўп, лекин бу чамаси, энг чиройлиларидан бўлса ажабмас. Турган-битгани ажойиб қурбонлардан иборат-а!

Энди эътиборингизга навбатдаги вазифа —этюддан бирини ҳавола этамиз.

Этюд №2.

Оқлар бошлаб ютади

* * *

ЖАВОБЛАР: Газетамизнинг ўтган шанба —7 февраль сонида № 1 ва № 2 масалаларнинг жавобларини маълум қилган эдик. Шунингдек, мухлислар мазкур масалаларни ечишда қандай йўл тутишаётгани ҳақида фикр юритилганди. Бу сафар ҳам ана шу масалалар юзасидан тўғри жавоб йўллаганлар рўйхатини давом эттириб, дастлабки икки вазифа бўйича мухлислар билан ўзига хос мулоқотларимизга якун ясаймиз. Шундай қилиб, дастлабки икки масала юзасидан тўғри жавоб йўллаганлар билан танишинг:

Қашқадарёлик Ж. Раззоқов, тошкентлик З. Бойтўраев, урганчлик А. Матқулиев, андижонлик А. Йўлдошев, жиззахлик Ж. Эгамбердиев билан Ў. Қаҳҳоров, хоразмлик Р. Бекчонов билан О. Болтаев, оққўрғонлик Б. Исоқов, бухоролик Б. Қўчқоров, самарқандлик А. Турсунов, чироқчилик В. Жабборов билан Х. Мисриев, ўшлик А. Ўтамбоев, жарқўрғонлик Р. Искандаров, избосканлик С. Раҳимов, ильичевсклик Ш. Тошпўлатов, Пахтачидан Ш. Раҳимов, Сирдарёдан А. Туманов билан Н. Саидов, Пахтаободдан Х. Исмоилов, фарғоналик Ш. Нурматов билан И. Сатторов, пскентлик Р. Маҳмудовлар иккинчи масалани тўғри ҳал этишган.

С. Раҳмонов (Наманган), А. Соипназаров, А. Муҳамедов (иққови Андижондан), М. Абдуназаров (Шўрчи), Ғ. Мавлонқулов (Сайрам), М. Зокиров (Жиззах), Н. Ирисов, Б. Қандаҳоров (иккаласи Самарқанддан), А. Қосимов (Ўш), Н. Зокиржонов, О. Эргашев (Фарғона), Х. Кўчов (Ленинобод), Ж. Жуманов (Пскент), О. Алижонов (Поп), И. Наврўзов (Ромитан), Т. Дўстонов (Риштон), О. Нурмонов (Нурота)лар ҳар иккала масалани тўғри ечишган.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

Шаҳарлараро телефон алоқасидан фойдаланинг!

«8» рақамини терганингиздан сўнг узлуксиз товуш (зуммер)ни эшитгач, шаҳар коди ва чақирилаётган телефон номерини теринг. Агар барча рақамларни тўла териб бўлгач Сиз телефон қулоғида ўқтин-ўқтин такрорланувчи сигнал товушини эшитсангиз, номерларни яна қайтадан териш лозим.

«8» рақамига чиқиб бўлмаганида ёки бошқа шаҳар билан боғлана олинмаганида қуйидаги телефонлар орқали буюртма бериш зарур: 39-49-10, 33-58-10.

Шаҳарлараро автомат телефон алоқасидан 21, 24, 29, 32, 33, 35, 39, 41, 42, 44, 46, 48, 53, 55, 56, 57, 58, 62, 64, 67, 74, 75, 76, 77, 78, 90, 91, 96-АТСлар (468 ХХХ, 538 ХХХ-АТСлардан ташқари)нинг абонентлари фойдалана олишлари мумкин.

42, 44-АТСларнинг абонентлари код ва чақирилаётган абонент номерини тергандан сўнг ўз телефонлари номерини теришлари шарт.

ЧАҚИРИЛАЁТГАН ШАҲАР СПРАВКАЛАР БЮРОСИДАН СИЗ ОДАТДАГИЧА ТАРТИБДА ҲАҚ ТЎЛАШ ЙЎЛИ БИЛАН ЎЗИНГИЗ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН АБОНЕНТ ТЕЛЕФОН НОМЕРИ ҲАҚИДА СПРАВКА ОЛИШИНГИЗ МУМКИН. АВТОМАТ АЛОҚА БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛИ ТАРИФ ИШ КУНЛАРИ СОАТ 18.00 ДАН БОШЛАБ 24.00 ГАЧА ВА СОАТ 00.00 ДАН БОШЛАБ 07.00 ГАЧА, ДАМ ОЛИШ ВА БАЙРАМ КУНЛАРИ ЭСА КЕЧА-КУНДУЗ МОБАЙНИДА АМАЛ ҚИЛАДИ.

Автомат алоқа йўлга қўйилган йўналишлар бўйича эса буюртмаларни 07 буюртмалар столининг телефонисти қабул қилади. Справкалар учун телефон 007.

ХАЛҚАРО СЎЗЛАШУВЛАРГА БУЮРТМАЛАР 44-09-11 ТЕЛЕФОНИ ОРҚАЛИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ШАҲАРЛАРНИНГ КОДЛАРИ:

Йўналишларнинг номи	код	Справкалар бюроси
Олмаота	3272	695122
Андижон	37422	42222
Актюбинск	31300	22121
Ашхобод	36300	51556
Бухоро	36500	32222
Винница	04300	22222
Владимир	09222	32222
Волгоград	8442	330301
Вологда	81722	22222
Горький	8312	362222
Грозний	87122	34502
Гулистон	36722	22222
Жамбул	32600	30707
Жезқазғон	31000	62721
Жиззах	37222	32222
Днепропетровск	0562	222222
Душанба	3772	225555
Ереван	8852	527972
Житомир	04100	72222
Ивано-Франковск	03400	22222
Йошкар-Ола	83600	62222
Қарағанда	3210	543636
Қарши	37500	45555
Қизил Ўрда	32400	66908
Киев	044	2122222
Киров	83300	22222
Кировоград	05200	22222
Кишинев	0420	222222
Қўқон	43400	22222
Кўкчетов	31600	65757
Краснодар	86100	50333
Куйбишев	8462	334583
Ленинград	812	—
Ленинобод	37900	62222
Львов	0322	222222
Мари	37000	22222
Минск	0172	362222
Москва	095	—
Нальчик	86600	22111
Наманган	36900	62222
Новосибирск	3832	9909111
Навоий	43600	—
Нукус	36122	22222
Оржоникидзе	86722	38188
Ўш	33200	21106
Павлодар	3180	752755
Псков	81122	22145
Ростов-Дон	8632	326609
Самарқанд	36600	32222
Саранск	83400	42222
Саратов	8452	245300
Свердловск	3432	209111
Семипалатинск	32200	22121
Ставрополь	86522	25252
Толди-Қўрғон	32800	72121
Тбилиси	8832	990203
Термиз	37622	22222
Ульяновск	84222	40222
Уральск	31100	21068
Урганч	36222	62222
Усть-Каменогорск	32300	52222
Фарғона	37300	42222
Фрунзе	3310	284254
Харьков	0572	222222
Целиноград	31722	09111
Чебоксари	8350	222222
Челябинск	3510	361631
Черкасси	04722	22222
Чернигов	04622	22222
Черновци	03700	22222
Чимкент	32500	34645
ОБЛАСТЬ ШАҲАРЛАРИ ВА РАЙОНЛАР МАРКАЗЛАРИ		
ОЛМАОТА:		
Иссиқ	327075	2183
Қапчағай	327772	21109
Каскелен	32771	91963
Талгар	32774	46370
Узун-Ёғоч	32770	21898
АНДИЖОН:		
Охунбобоев	37475	52222
Куйганёр	37437	—
Қўрғонтепа	37472	11222
Ленинск	37436	22222
Пойтуғ	37431	22222
Пахтаобод	37471	11222
Хўжаобод	37474	12222
Шаҳрихон	37434	22222
ВОЛГОГРАД:		
Алексеевская	84446	22111
Биково	84495	91222
Волжский	84459	52222
Городище	84468	22111
Даниловка	84461	51233
Дубовка	84458	91261
Елань	84452	61136
Жирновск	84454	24211
Иловня	84467	—
Калач	84472	22952
Камишин	84457	23019
Киквидзе	84445	31799
Клетский	84466	41190
Котальниково	84476	51133
Котово	84455	33111
Кумелжинская	84462	—
Ленинск	84478	—
Михайловка	84463	22255
Николаевск	84494	61155
Новоаннинский	84447	—
Новониколаевский	84444	61631
Октябрский	84475	—
Ольховка	84456	51155
ст. Полтавка	84493	43872
Палласовка	84492	61835
Рудня	84453	71834
Серафимович	84464	31400
Ўрта Ахтуба	84479	—
Суровикино	84473	91303
Урюпинск	84442	22492
Фролово	84465	96475
Чернишковский	84474	61208
ГОРЬКИЙ:		
Арзамас	83147	22222
Балахна	831044	2009
Викса	83177	32222
Богородск	83170	31550
Бор	83159	22222
Городец	83161	22222
Джерзинск	83140	31124
Кстово	83145	22222
Кулебаки	83176	31255
Лиськово	83149	32222
Павлово	83171	41222
Семенов	83162	21221
Урень	83154	21101
ЛЕНИНГРАД:		
Волосово	81273	21090
Волхов	81263	11077
Всеволжск	81270	24344
Виборг	81278	22502
Гатчина	81271	22222 22223
Кингисеп	81275	22266
Лодейное поле	81264	22233
Ломоносов	81247	31633
Луга	81272	22222
Сосновий Бор	81269	64239
Тосно	81261	22222
КИЕВ:		
Белая Церковь	04463	52222
Володарка	04469	51351
Переяслав-Хмельницкий	04467	52379
Полесское	04492	51351
Тетиев	04460	51332
Фастов	04465	52222
ПЕРМЬ:		
Верешагино	34254	—
Қизил	34255	—
РОСТОВ:		
Волгодонск	86392	22209
Каменск	86365	59085
Миллерово	86315	33509
Новошахтинск	86369	23120
Новочеркасск	86352	23209
Сальск	86372	20080
Таганрог	83344	21414
САРАТОВ:		
Аркадак	74542	21965
Аткарск	74552	—
Балашов	84545	—
Горний	74577	—
Ивантеевка	74579	—
Калининск	74549	—
Красноармейск	74550	22936
Красний Кут	74560	21909
Новие Бураси	74557	—
Новоузенск	74562	—
Озинки	74576	—
Ртищево	84540	—
Самойловка	74548	—
Степное	74566	21953
Татишево	74558	—
СВЕРДЛОВСК:		
Алапаевск	34346	56422
Артемовский	34363	32222
Асбест	34365	24009
Белоярский	34377	21222
Ирбит	34355	23653
Каменск-Уральский	34378	30351
Карпинск	34313	22599
Краснотурьинск	34314	22299
Красноуфимск	34394	—
Нижние Серьги	34396	—
Нижний Тагиль	34351	23009
Нижняя тура	34342	+22+№
Первоуральск	34392	22609
Ревда	34397	42325
Серов	34315	24301
Сухой Лог	34373	22884
СУРХОНДАРЁ:		
Денов	37641	91222
Жарқўрғон	37643	22222
Узун	37644	31222
Шўрчи	37645	31222
СИРДАРЁ:		
Верхневолинское	36733	32222
Крестьянское	36775	62222
Сардоба	36731	21222
Сирдарё	36735	92222
Янгиобод	36738	11292
Янгиер	36737	—
ТОШКЕНТ:		
Оққўрғон	255	91041
Олмалиқ	261	42222
Ангрен	266	22222
Оҳангарон	264	52222
Бекобод	2910	2222
Бўка	257	35222
Ғазалкент	274	21385
Гулбаҳор	258	76222
Зафар	293	51222
Калинин	297	54222
Келес	296	56222
Қибрай	295	61222
Паркент	272	92222
Пискент	254	51260
Солдатский	256	72323
Тўйтепа	276	21209
Чиноз	259	31111
Чирчиқ	271	52222
Янгийўл	260	72222
Янгибозор	298	31112
Янгиобод	268	—
Нариманов	278	—
ТОЖИКИСТОН ССР:		
Восе	37711	22222
Куйбишевск	377430	3222
Кўлоб	377130	2222
Колхозобод	437747	42222
Қўрғонтепа	37744	22222
Ленинский	37737	22222
Московский	377150	2222
Нурек	37738	22222
Обикийик	377420	2222
Оржоникидзеобод	37736	22222
Октябрск	37745	21105 21107
Пархар	37716	22222
Турсунзода	37730	22222
Файзобод	37735	32222

ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАРНИНГ НОМЕРЛАРИ БОШҚА НОМЕРДАГИ ТЕЛЕФОНЛАРГА УЛАНДИ:

Олмаотада 6913хх дан 3403хх га, 6914хх дан 3404хх га, справкалар бюроси 34-00-10;

Волгоградда 32-АТСдан 35-АТСгача, справкалар бюроси — 32-01-99, 32-20-99;

Киевда «2», «6»,«7», «9» рақамлари билан бошланувчи телефонларнинг номерларига уланди, бунда юқоридаги рақамларнинг олдига «2» рақами қўшиш лозим. Индекси 212 ва 216 бўлган 22-АТС ва 26-АТСлар бундан мустасно;

Новосибирскда 7772-хх дан 7692хх га, 7773хх дан 7693хх га, 7777хх дан 7698ххга;

Чимкентда 6-АТСга (бунда номер олдидан «6» рақамини, 2-АТСда эса номер олдидан «2» рақамини териш лозим).

Шаҳарлараро телефон алоқасидан фойдаланиш қоидаларига кўра квартиралардаги телефон орқали олиб борилган шаҳарлараро телефон сўзлашувлари учун ҳақни счет юборилган вақтдан бошлаб 15 кун муддат ичида шаҳар алоқа бўлимларига олиб бориб тўлаш лозим.

Ҳақ тўлангани ҳақида ҳужжат у бекор қилингунга қадар бўлган муддат — 3 йил мобайнида сақланиши керак.

Счёт ҳақи белгиланган муддатда тўланмаган тақдирда шаҳарлараро телефон станцияси абоненти телефоннинг узиб қўйилиши ҳақида огоҳлантиради.

Абонент огоҳлантиришдан кейин ўз қарзини узган тақдирда у бу ҳақда шаҳарлараро телефон станциясини хабардор қилиб қўйиши шарт.

Агар абонент огоҳлантиришдан кейин ҳам 5 кун мобайнида ўз қарзини узмаса, унинг телефони узиб қўйилади.

Телефон абонент ўз қарзини узгани ва телефонни қайта улаб бериш учун 2 сўм ҳақ тўлагани ҳақидаги ҳужжатни кўрсатганидан сўнг уч сутка мобайнида алоқа корхонаси томонидан тиклаб берилади.

Агар қарз телефон узиб қўйилган дақиқадан бошлаб бир ой ичида тўланмаса, абонент телефондан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилади: қарз эса белгиланган тартибда ундириб олинади.

Квартира телефони (хусусий коллектив бўлиб фойдаланиладиган) ва ташкилотлар, муассасалар ҳамда корхоналарнинг телефонлари, шунингдек меҳмонхоналар, ётоқхоналар, санаторийларда ўрнатилган телефонлар ва ҳеказолардан шаҳарлараро телефон сўзлашувларини амалга оширганлик учун ўша телефонлар тегишли бўлган шахслар моддий жавобгардирлар.

ШАҲАРЛАРАРО СЎЗЛАШУВЛАР УЧУН ЮБОРИЛГАН СЧЕТ БЎЙИЧА ШИКОЯТЛАР ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ ТОМОНИДАН СЧЕТ ЖЎНАТИЛГАН ВАҚТДАН БОШЛАБ БИР ОЙ МОБАЙНИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Абонентлар участкасининг қабул вақти:

душанбада соат 9 дан 20.00 гача, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари — соат 14 дан 20.00 гача, шанба куни — соат 9 дан 18.00 гача.

Танаффус — соат 13 дан 14.00 гача.

Республика шаҳарлараро телефон станцияси.

Р. — 10590. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. В. — 38. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12